БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 140 (16.830). | 18 июнь 1977 йил, шанба | Баҳоси 2 тийин.

Кеча Москвада тўққизинчи чақириқ СССР Олий Советининг олтинчи сессияси ўз ишини тамомлади



МОСКВА. Катта Кремль саройи. 16 июнь. СССР Олий Совети Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг қўшма мажлиси. ТАСС—ЎзТАГ телефотоси.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ МАЖЛИСИ

17 июнь куни Кремлда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев раислигида СССР Олий Совети Президиумининг мажлиси бўлди. Украина ССР ва Литва ССР меҳнаткашлар депутатлари Советларининг СССР Конституцияси лойиҳасини умумхалқ муҳокамасига қўйишни ташкил этиш борасидаги иш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Мажлис Леонид Ильич Брежневнинг нутқи билан очилди.

Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Кун тартибидаги масалаларни кўриб чиқишга киришишдан олдин КПСС Марказий Комитети май Пленумининг кейинги қарорлари муносабати билан асосан Олий Совет ва унинг Президиуми иши тўғрисида, яқин фурсатда сиз билан ҳал этишимиз лозим бўлган биринчи навбатдаги вазифалар тўғрисида бир неча оғиз гапиришни истардим.

Даставвал менга кўрсатилган катта ишонч учун партия Марказий Комитетига, СССР Олий Советига, ҳамма депутатларга, сизлар — Олий Совет Президиуми аъзоларига яна бир карра миннатдорчилик айтишни истардим.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси лавозими ниҳоятда масъулиятли лавозим. Бу ерда, Президиумда Совет ҳокимиятининг жойлардаги 50 мингдан ортиқ Советлари билан боғловчи ҳамма ришталар дарҳақиқат туташади. Мингминглаб кишилар турли масалалар юзасидан бу ерга мурожаат этиб турадилар.

Партиямиз Марказий Комитети май Пленумининг КПСС Марказий Комитети Бош секретари лавозими билан СССР Олий Совети Президиуми Раиси лавозимини қўшиб олиб бориш тўғрисидаги қарори шунчаки бир расмий акт бўлмай, унинг чуқур сиёсий моҳияти борлигини сизлар яхши биласиз, албатта, ўртоқлар.

Бу қарор даставвал бутун сиёсий системамизнинг, меҳнаткашлар барча ташкилотларининг, ҳам давлат, ҳам жамоат ташкилотлари ўзагини ташкил этувчи Коммунистик партиямизнинг раҳбарлик роли доимо ошиб бораётганлигининг ифодасидир. Ҳукмрон партия сифатида КПСС Совет Конституцияси доирасида иш кўриб, давлат ҳаётининг барча муҳим масалаларини ҳал этишда сиёсий йўлни белгилаб келди ва бундан кейин ҳам белгилаб бераверади.

Май Пленумининг қарорида кундалик ишимиз практикаси ҳам акс эттирилди. Бунда Марказий Комитет Сиёсий бюросининг кўпгина аъзолари ҳам мамлакат ичкарисида, ҳам чет элларда бевосита давлат ишларини олиб боришларига тўғри келмоқда. Жумладан, мен ҳам Марказий Комитет Бош секретари бўлиб ишлаётиб неча марта, шу жумладан сизларнинг топшириғингизга биноан давлатлараро муносабатларда, тинчликни мустаҳкамлаш, халқлар ҳавфсизлигини таъминлаш туб масалалари юзасидан олиб борилган музокараларда мамлакатимиз номидан иш кўришимга тўғри келганлигини ўзингиз биласиз. Энди шу практика мантиқан расмийлашади.

Ана шуларни назарда тутган ҳолда, мен СССР Олий Совети қабул қилган қарор зиммамга қандай катта қўшимча масъулият юклашини равшан тасаввур қила оламан. Очиғини айтганимда, бу осон иш эмас. Бинобарин, шу борада ҳам сизнинг ёрдамингизга, сизнинг фикрларингизга ва мададингизга таянаман.

Мен СССР Олий Совети Президиумининг Раиси лавозимида ишлаганман, кўп йиллар Президиум аъзоси бўлиб, шу органнинг кучи — уюшқоқлик билан аҳил ишлашимиздадир, деган қатъий бир хулосага келганман. Партиямиз ва давлатимиз ўтказиб келаётган раҳбарликнинг коллективлик принципи шу ерда тўла-тўкис намоён бўлмоғи лозим.

Айни маҳалда ҳар қандай партия органи ёки давлат органи унинг составига кирувчи ҳар бир киши, ҳар бир ходим ўзининг бутун куч-ғайратини тамомила ишга солиб меҳнат қилган, муштарак ишимизга ўзини бағишлаган тақдирдагина яхши ишлайди. Ҳаммангиз шу фикрга қўшилсангиз керак, деб ўйлайман, ўртоқлар.

Олий Совет диққат марказида турган масалалар тўғрисида тайёрларкан бўлсак, у қонунларни ривожлантиришга, план ва бюджетни кўриб чиқишга эътиборни бўшаштирмагани ҳолда, хўжалик ва маданиятнинг турли соҳаларидаги ишларнинг аҳволи билан боғлиқ масалаларни тобора тез-тез ҳал этаяпти, ҳукуматнинг ушбу масалалар юзасидан қиладиган докладларини тингляпти. Олий Советнинг бугун ўз ишини тамомлаган сессияси бунинг яққол далилидир. СССР Олий Советининг бошқариш органлари устидан назорати собиткадамлик билан тобора чуқурлашиб бормоқда. Партиямизнинг съездларида уқтириб ўтилганидек, бу ишда 30 та доимий комиссия муҳим ўрин эгаллайди. Олий Совет депутатларининг учдан икки қисмидан кўпроғи шу комиссияларда ишламоқда.

Партиямизнинг Олий Совет фаолиятининг ҳамма томонларини янада ривожлантириш борасидаги қарорларини амалга ошириш учун СССР Олий Совети Президиумининг иши янада актив бўлмоғи керак, албатта, ўртоқлар. Эндиликда СССР нинг янги Конституцияси қабул қилинганидан сўнг Олий Совет Президиумининг шундай актив позицияси, ташаббускорлик ишлари айниқса муҳим бўлади, деб ўйлайман. Янги Конституция Олий Советга ўз фаолиятини яхшилаш учун янада каттароқ имкониятлар очиб беради. Биз сиз билан шу имкониятларни мумкин қадар тўлароқ ва самарали равишда ўзлаштира боришимиз керак бўлади.

Мен бунда нималарни кўзда тутаяпман?

Даставвал мен шуни кўзда тутаяпманки, янги Конституцияда Олий Советнинг ҳар томонлама ваколати янада равшанроқ мустаҳкамланади. У СССР Иттифоқи компетенциясига кирувчи ҳар қандай масалани кўриб чиқиб, ҳал эта олади.

Олий Совет Президиуми шу ваколатларнинг кўпчилик қисмини бажаради. Шу муносабат билан Президиум СССР Олий Совети ҳамма ишларининг ташкилотчиси бўлиб қолади. Сессиялар, доимий комиссияларнинг фаолияти, сайлов округларида депутатлар ўз вазифаларини бажаришлари шулар жумласидандир. Мамлакат ҳокимиятининг олий органи ишининг ана шу ҳар бир формасидан тўла-тўкис фойдаланиш лозим, улар ҳамма асосий соҳаларда Олий Совет фаолиятининг кучайишига янада яхшироқ хизмат қилиши керак.

Янги Конституция қонунчилик ишларини янада кучайтириш учун негиз бўлиб қолади. Конституция лойиҳасининг ўзида яқин вақтлар ичида қабул қилиш керак бўлган ўнга яқин қонунлар айтиб ўтилганлиги эслатиш кифоя. Булар орасида Олий Совет регламенти, СССР Министрлар Совети тўғрисидаги қонун, сайлов, халқ контроли тўғрисидаги қонунлар ва шу каби бошқа катта-катта қонун актлари бор.

Мен бу ерда ушбу масаланинг бошқа бир томонига ҳам эътиборни жалб қилишни истардим. Биз совет қонунларини янада ривожлантира борган сайин, уларнинг қатъий ва сўзсиз бажарилиши тўғрисида ҳам шу қадар кўпроқ ғамхўрлик қилишимиз лозим. Эскирган бир гап бор. Бажарилмайдиган бўлса бундай қонун чиқаришнинг нима кераги бор, дейилади. Шунинг учун ҳам, афтидан қонунларимиз қандай бажарилаётганлигини, Олий Совет тасдиқлаган халқ хўжалик планлари ва давлат бюджети қандай амалга оширилаётганлигини назорат қилувчи Олий Совет, Олий Совет Президиуми доимий комиссияларининг ишини янада активлаштириш керак бўлади.

Халқ депутатлари Советларига раҳбарлик қилиш янги Конституцияга мувофиқ СССР Олий Совети ва унинг Президиуми фаолияти шубҳасиз ривожланиб борадиган энг муҳим йўналишдир.

Ҳамма Советлар — хоҳ Олий Совет, хоҳ маҳаллий Совет — давлат ҳокимияти органларининг ягона бир системасини, умумхалқ давлати сиёсий негизини ташкил этишини Конституция лойиҳаси яна бир карра таъкидлайди.

Коммунистик партия ҳар қандай Советимиз халқ ҳокимиятининг бир қисми. Советлар ўз компетенциясига киритилган ҳамма масалаларни ҳ л этиш ваколатига эга бўлишидан ташқари умумдавлат қароларини ўтказувчи бўғин сифатида ҳам иш кўради, деган принципига ҳамиша асосланиб келди. Булар, ўртоқлар, ниҳоятда муҳим принципдир. Олий ва маҳаллий органларнинг бундай бирлиги, олий ҳокимиятнинг жойларда бошланган ташаббусга суяниши Советларнинг халқ оммаси билан чамбарчас алоқада бўлишдан иборат асосий моҳиятини акс эттиради.

ССР Иттифоқи республика ва маҳаллий ҳокимият ҳамда бошқариш органлари ташкилоти ва фаолиятининг умумий негизларини белгилаши Конституцияда ёзиб қўйиладиган бўлгач, СССР Олий Совети ва унинг Президиуми шу соҳадаги ишларни жиддий равишда кучайтирмоғи лозим бўлади.

В. И. Ленин Советлар қотиб қолган, ўз-ўзи билан овора бўлган бир нарсага айланиб кетса, ундан ортиқ бемазагарчилик бўлмайди, деб неча марта таъкидлаганди. Дарҳақиқат, ўртоқлар, Советлар —халқнинг жонли, ҳаракатчан, доимо янгиланиб турувчи ташкилотидир. Ўз вақтида Советлар оммаларнинг революцион ҳаракатини, оммаларнинг социализм қуришдаги куч-ғайратларини умумий бир ўзанга сола билгани каби, эндиликда стук социализм шароитларида Советларнинг иши ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, партия белгилаб берган катта социал программани бажариш, социалистик демократиямизнинг ҳамма томонларини ривожлантириш яъни коммунизм қуриш вазифаларини ҳал этиш учун олиб борилаётган курашни янада тўлароқ ўз ичига олмоғи керак.

Маълумки, СССР Олий Совети ва унинг Президиуми фаолиятида ташқи сиёсат масалалари ҳ уда муҳим роль ўйнайди.

Коммунистик партия ва Совет давлати тинчликни мустаҳкамлаш, янги жаҳон урушн хавф-хатарини камайтириш, қуролланиш пойгасини жиловлаш, социализм позицияларини, халқларнинг озодлиги ва социал тараққиёт учун барча давлатлар ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилишлари учун курашаётган ҳамма кучларнинг позицияларини мустаҳкамлашга доимо куч-ғайрат сарфлаб келмоқдалар. Бу куч-ғайратлар бутун халқимизнинг қатъий иродасига таянмоқда, ер юзининг ҳамма қисмидаги миллион-миллион яхши ниятли кишилар буни тушуниб, қўллаб-қувватламоқдалар.

Янги Конституциянинг лойиҳасида совет ташқи сиёсатининг туб принципларини аниқ-равшан ифодалаб берилган. СССР Олий Совети, унинг Президиуми, доимий комиссиялари, депутатларни мана шу принципларни амалга оширишга, чет мамлакатлар билан алоқаларни ривожлантиришга катта ҳисса қўшишга даъват этилгандирлар.

Халқимиз Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини кутиб олишга тараддуд кўраётган, ҳамма ерда мамлакат янги Асосий Қонунининг лойиҳаси муҳокама қилинаётган ҳозирги вақтда ленинчи партиямиз белгилаб берган планларни амалга оширишда, коммунизм қуришда совет кишиларининг актив ва ижодий қатнашаётганликлари айниқса яққол сезилмоқда.

Халқнинг партия ва ҳукуматга ишончи зиммамизга кўп вазифаларни юклайди. Бу ишонч ҳаммамиздан янада яхшироқ ишлашни, совет кишиларининг ошиб бораётган талаб эҳтиёжларига янада кўпроқ эътибор беришимизни тақозо қилади.

19 июнь куни бутун мамлакатда маҳаллий Советларга сайлов ўтказилади. Бу сайлов халқнинг бирлигини, унинг Коммунистик партия теварагида метиндек жипслигини яна бир карра намойиш этишига шак-шубҳа йўқ.

Шунинг учун ҳам Олий Совет Президиуми бугунги мажлисининг кун тартибига икки республикамиз — Украина ва Литва Конституция лойиҳасининг умумхалқ муҳокамасини ташкил этишга оид ишлари тўғрисидаги масала киритилганлиги табиий бир ҳолдир.

* * *

Украина ССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ А. Ф. Ватченкога сўз берилади. У Леонид Ильич Брежнев СССР Олий Совети Президиумининг Раиси қилиб сайланганлиги, Совет давлатининг бошлиғидек юксак ва масъулиятли лавозимни бажаришга киришганлиги муносабати билан Президиум аъзолари ва шу ерда ҳозир бўлган ўртоқлар номидан уни самимий, қизғин муборакбод қилди. У Л. И. Брежнева Коммунистик партия, Совет давлатининг манфаатлари, улуғ халқимизнинг фаровонлиги йўлидаги ҳормастолмас фаолиятида янада катта муваффақиятлар тилади.

А. Ф. Ватченко Украина меҳнаткашлар депутатлари Советлари Конституция лойиҳасини кенг қўламда муҳокама қилишни қандай ташкил этганликлари тўғрисида гапириб, давлатимиз Асосий Қонуни моддаларини меҳнаткашларга чуқур тушунтириб беришда маҳаллий Советларга бўлажак сайловга тайёргарликдан кенг қўламда фойдаланилаётганлигини таъкидлади. Ҳамма сайлов олди йиғилишлари ва депутатликка номзодлар билан сайловчиларнинг учрашувлари Конституция лойиҳасини ва КПСС Марказий Комитетининг май Пленумида ўртоқ Л. И. Брежнев қилган докладини муҳокама ва пропаганда қилиш белгиси остида ўтказилади. Украина ССР Олий Советининг сессиясида, шунингдек янгидан сайланган ҳамма маҳаллий Советларнинг биринчи сессияларида ана шу ғоят муҳим сиёсий ҳужжатлар муҳокама қилинади.

(Давоми иккинчи бетда).

ХАЛҚ БАХТ-САОДАТИ ЙЎЛИДА, КОММУНИЗМ ЙЎЛИДА

ТЎҚҚИЗИНЧИ ЧАҚИРИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ОЛТИНЧИ СЕССИЯСИ

Тўққизинчи чақириқ СССР Олий Советининг олтинчи сессияси 17 июнь куни Катта Кремль саройида ўз ишини тамомлади. Сессия катта ва муҳим воқеаларга бой даврда ўтди. Мамлакатда Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига, ўнинчи беш йиллиги нинг КПСС XXV съездининг қарорлари асосида ишлаб чиқилган планини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақа кенг авж олдириб юборилди. Совет кишилари ғоят зўр қизиқиш билан ва масъулиятни сезган ҳолда СССР нинг янги Конституцияси лойиҳасини муҳокама қилмоқдалар. Бу Конституция ривожланган социализм мамлакатининг манифести бўлиб қолиши лозим.

Депутатлар сессия минбаридан сайловчиларнинг хоҳиш-иродасини ифода этиб, совет халкини коммунизм қурилиши йўлидан олиб бораётган Коммунистик партиянинг, унинг Марказий Комитетининг буюк ташкилотчилик фаолияти ҳақида гапирдилар. Сессия ўзининг бутун ҳаётини коммунизм тантанаси учун, бутун дунёда тинчлик учун бағишлаётган ажойиб ташкилотчи, заковатли сиёсатдон, Ленин типидаги арбоб — КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневни баланд руҳ билан, бир овоздан СССР Олий Совети Президиумининг Раиси қилиб сайлади.

Сессиянинг якунловчи иш кунида Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг қўшма мажлиси бўлди.

Депутатлар **Л. И. Брежнев, Ю. В. Андропов, В. В. Гришин, А. А. Громико, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, Ф. Д. Кулаков, Д. А. Кунаев, К. Т. Мазуров, А. Я. Пельше, Г. В. Романов, М. А. Суслов, Д. Ф. Устинов, В. В. Шчербицкий, Г. А. Алиев, П. Н. Демичев, П. М. Машеров, Б. Н. Пономарев, Ш. Р. Рашидов, М. С. Соломенцев, И. В. Капитонов, В. И. Долгих, М. В. Зимянин, К. У. Черненко, Я. П. Рябов, К. В. Русаков** ўртоқларни узоқ давом этган гулдурос қарсаклар билан кутиб олдилар.

Миллатлар Советининг Раиси, депутат **В. П. Рубен** палаталарнинг қўшма мажлисини очди. У СССР Олий Советининг ҳар икки палатасида ўрмонларни муҳофаза қилишни янада яхшилаш, ўрмон ресурсларидан оқилона фойдаланиш тадбирлари тўғрисида ҳамда ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг ўрмон тўғрисидаги қонун асосларининг лойиҳаси ҳақида муҳокама қилинаётган масала юзасидан музокаралар тугаганлигини маълум қилди.

СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, депутат **З. Н. Нуриев** палаталарнинг қўшма мажлисида якунловчи нутқ сўзлади. Бепоён Ватанимизнинг ҳамма бурчакларидан, деди у, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг СССР Олий Совети Президиумининг Раиси қилиб сайланганлигини совет кишилари қанчалик шоду хуррамлик билан ва маъқуллаб кутиб олганликлари ҳақидаги хабарлар келиб турибди. Бу эса партия ва халқ моҳолит бирлигининг, коммунизм тантанаси учун, бутун дунёда тинчлик учун толмас курашчи ўртоқ Л. И. Брежневнинг жуда катта хизматлари ҳамма томонидан эътироф қилинганлигининг ёрқин намойишидир.

СССР Олий Советининг Иттифоқ Совети билан Миллатлар Совети ўрмонларни муҳофаза қилишни янада яхшилаш ва ўрмон ресурсларидан рационал фойдаланиш тадбирлари тўғрисидаги масалани, шунингдек ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг ўрмон тўғрисидаги қонун асослари лойиҳасини ҳар томонлама ва батафсил муҳокама қилдилар.

Ана шу муҳим қонунларнинг СССР Олий Советининг ушбу сессиясида қабул қилиниши СССР янги Конституцияси лойиҳасини умумхалқ муҳокамаси билан бир вақтга тўғри келди. Шу ғоят муҳим ҳужжатда табиий ресурслардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишнинг аҳамияти ўсиб бораётганлиги таъкидлаб ўтилади. Ўрмонлар эса табиий ресурсларнинг асосий таркибий қисмларидан биридир.

Депутатлар ўз нутқларида Коммунистик партия билан Совет ҳукумати ўрмонларни муҳофаза қилиш, ўрмон ресурсларидан рационал фойдаланиш, уларни тиклаш ва кўпайтириш билан боғлиқ масалаларга ҳамиша зўр эътибор билан қараб, уларга ғоят катта аҳамият бераётганликлари ҳақида гапирдилар. Бу масалалар мамлакат жамоатчилиги томонидан ва СССР Олий Советининг ушбу сессиясида кенг муҳокама қилинганлиги — бунинг ёрқин далилидир. Ана шу масалаларнинг бундай кенг муҳокама этилиши атроф муҳитни яхшилаш, мамлакатнинг табиий бойликларини кўпайтириш ва унинг иқтисодий потенциалини юксалтириш тўғрисида, халқимиз фаровонлигини янада ошириш ҳақида бизда қилинаётган зўр ғамхўрликни кўрсатиб турибди. Буларнинг ҳаммаси КПСС нинг, Коммунистик партия ва Совет давлатининг атоқли арбоби ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги унинг ленинчи Марказий Комитети иқтисодий сиёсатининг асосий мазмунидир.

СССР Министрлар Совети тақдим этган ўрмон тўғрисидаги қонун асосларининг лойиҳаси ушбу сессияда муҳокама қилинганлиги, деб давом этди З. Н. Нуриев, бу қонун ўрмон маҳсулотларини ошириш, уларни узлуксиз кўпайтиришни яхшилаш ва муҳофаза қилишни кучайтириш, ўрмон ресурсларидан рационал фойдаланишни таъминлаш талабларига мос эканлигини кўрсатди. Депутатларнинг нутқларида кўрсатиб ўтилганидек, бу лойиҳа мамлакат экономикасини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш ҳамда совет халқининг моддий ва маданий савиясини ўстириш ҳақидаги КПСС XXV съезди ўртага қўйган вазифаларга мосдир. Бу лойиҳани СССР Олий Совети палаталари доимий комиссияларининг тузатишларини ҳисобга олиб қабул этиш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

«Ўрмонларни муҳофаза қилишни янада яхшилаш ва ўрмон ресурсларидан рационал фойдаланиш тадбирлари тўғрисида» СССР Олий Совети қарорининг лойиҳасини ҳам қабул қилиш таклиф этилади.

З. Н. Нуриев пировардида бундай деди: ана шу қонунларнинг қабул қилиниши коммунистик қурилиш ишига, совет халқининг фаровонлигини янада ошириш ишига хизмат қилади.

Депутатлар СССР Олий Советининг «Ўрмонларни муҳофаза қилишни янада яхшилаш ва ўрмон ресурсларидан рационал фойдаланиш тадбирлари тўғрисида»ги қарорини бир овоздан қабул қиладилар.

Сўнгра депутатлар палаталар бўйича алохида-алохида овоз бериш йўли билан «ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг ўрмон тўғрисидаги қонун асосларини тасдиқлаш ҳақида»ги қонунни бир овоздан қабул қиладилар.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари, депутат **М. П. Георгадзе** СССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш тўғрисида доклад қилди.

(Давоми учинчи бетда).

ВАТАН МУҚОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Давлат хавфсизлиги комитети раисининг ўринбосари генерал-полковник Г. К. Цинева 17 июнь куни Кремлда Ленин ордени ва «Урок ва Болга» олтин медалини топширди. Г. К. Цинев Ватаннинг бу юксак мукофотига давлат хавфсизлигини таъминлаш ишида Совет давлати олдидаги катта хизматлари учун ва туғилган кунига етмиш йил тўлиши муносабати билан сазовор бўлди.

Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Г. А. Алиевга, Латвия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Э. Воссга, КПСС Татаристон область комитетининг биринчи секретари Ф. А Табеевга Ленин орденлари топширилди.

Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ж. Расуловга ва Тожикистон ССР Министрлар Советининг Раиси Р. Набиевга Меҳнат Қизил Байроқ орденлари топширилди.

Ўрток Л. И. Брежнев юксак давлат мукофоти билан тақдирланганларни қизғин ва самимий табриклаб, уларга Коммунистик партия ва Совет давлати томонидан қўйилган вазифаларни бажаришда янги катта муваффақиятлар тилади.

Мукофотланганлар ўз меҳнатларига юксак баҳо берилганлиги учун Коммунистик партияга, унинг ленинчи Марказий Комитетига ва Совет давлатига эстойдил ташаккур изҳор этиб, мамлакатимизда коммунистик жамият қурилиши ишига бутун куч-ғайратимизни, тажриба ва билимимизни бағишлаймиз, деб ишонтирдилар.

Улар Леонид Ильични СССР Олий Совети Президиумининг Раиси қилиб сайланганлиги билан самимий табрикладилар. Совет халқининг бахт-саодати йўлидаги, бутун дунёда тинчлик йўлидаги партия ва давлат фаолиятида унга янги муваффақиятлар тиладилар.

(ТАСС).

ТЎҚҚИЗИНЧИ ЧАҚИРИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ОЛТИНЧИ СЕССИЯСИ

Соат 14 да Катта Кремль саройида СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг биринчи мажлиси очилди.

Депутатлар **Ю. В. Андропов, В. В. Гришин, А. П. Кириленко, Ф. Д. Кулаков, Д. А. Кунаев, К. Т. Мазуров, Г. В. Романов, М. А. Суслов, В. В. Шчербицкий, Г. А. Алиев, П. Н. Демичев, М. С. Соломенцев, И. В. Капитонов, В. И. Долгих, Я. П. Рябов** ўртоқларни давомли қарсаклар билан кутиб олдилар.

Мажлис Иттифоқ Советининг Раиси депутат **А. П. Шитиков** раислигида ўтди.

Депутатлар ўрмонларни муҳофаза қилишни янада яхшилаш, ўрмон ресурсларидан оқилона фойдаланиш тадбирлари ҳақидаги ҳамда ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг ўрмон тўғрисидаги қонун асосларининг лойиҳаси ва маъқуллаш масалаларини муҳокама қилдилар.

Сўзга чиққан нотиқларнинг ҳаммаси КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг СССР Олий Совети Президиумининг Раиси қилиб сайланганлигини совет халқи номидан қизғин маъқулладилар. Улар Ленин типидаги атоқли арбоб Леонид Ильич Брежнев партиянинг, барча совет кишиларининг чексиз ишончи ва меҳр-муҳаббатига сазовор эканлигини таъкидлаб ўтдилар. Тинчлик ва социал тараққиёт учун толмас курашчи ўртоқ Л. И. Брежнев ғоят зўр обрў-эътиборга ва бутун тараққийпарвар инсониятнинг ҳурматига сазовор бўлди.

Депутатлар совет халқи шонли сана — Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати жўш урган бир вазиятда кутиб олаётганлиги ҳақида гапирдилар. Ватанимиз тобора қудратлироқ бўлиб бормоқда, меҳнаткашларнинг фаровонлиги ўсмоқда, деб таъкидлашди нотиқлар. СССРнинг янги Конституцияси Советлар мамлакатининг янада равнақ топишини, халқнинг эртанги кунга бўлган ишончини гарантиялайди.

Қишлоқ хўжалиги комиссиясининг раиси депутат **В. М. Кавун** Иттифоқ Советининг қишлоқ хўжалиги, қонун лойиҳалари тайёрлаш, табиатни муҳофаза қилиш, саноат комиссияларининг топшириувига биноан қўшимча доклад қилди.

Ленинчи Марказий Комитетнинг доно раҳбарлиги, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг кўп томонлама актив фаолияти, совет халқининг партия режаларини амалга ошириш соҳасида қилаётган эўр бунёдкорлик меҳнати, деди нотиқ, экономиканинг барча тармоқларини муттасил ва пропорционал ривожлантириши, муҳим социал проблемаларни, шу жумладан мамлакатимизда умумдавлат сиёсати даражасига кўтарилган табиатни муҳофаза қилиш вазифаларини ҳал этишни таъминламоқда.

Ўрмонларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ масалаларнинг тайёрланиши ва шу масалаларнинг Олий Советнинг ушбу сессиясида кўриб чиқилаётганлиги атроф муҳитни яхшилаш тўғрисида, совет халқининг фаровонлигини оширишда, жамиятимиз социалистик демократизмини янада ривожлантириш ҳақида партия қилаётган ғамхўрликни тасдиқловчи яна бир яққол далилдир.

СССР ва иттифоқдош республикаларнинг ўрмон тўғрисидаги қонун асослари лойиҳаси матбуотда эълон қилинган эди ва жамоатчилик муҳокамаси давомида умуман ҳамманинг маъқуллашига сазовор бўлди.

Қўшимча докладчи ўрмон ресурсларидан фойдаланиш структурасини характерлаб, ўрмон хўжалиги, ўрмон, ёғочсозлик ва целлюлоза-қоғоз саноати ишида жиддий камчиликлар борлигини таъкидлаб ўтди. У, жумладан, мамлакатда ёғочни қайта ишлашнинг механик усуллари катта аҳамият касб этганлигини ва энг илғор, самарали химиявий ва химия-механикавий усуллари етарли даражада ривож топмаганлигини айтди. Дарахтларнинг юмшоқ баргли навларини кенг қўламда қайта ишлашни ташкил этиш ҳам муҳим проблема ҳисобланади. Бундай дарахтлар мамлакатнинг кўпгина районларида ғоят мўл бўлиб, лекин амалий жиҳатдан фойдаланилмаяпти.

Сўнгра депутат ўрмон ҳақида қонун асослари лойиҳасини муҳокама қилиш жараёнида қонун лойиҳасининг айрим қоидаларини аниқлашга, ўрмонлардан фойдаланишни яхшилашга ва уларни муҳофаза қилишни кучайтиришга қаратилган салкам уч мингта таклиф тушди, деди. Бу таклифларнинг ҳаммаси умумлаштирилди, комиссиялар томонидан батафсил кўриб чиқилди, уларнинг кўпи ҳисобга олинди.

Докладчи комиссияларнинг хулосасида баён этилган қўшимчалар ва ўзгаришларни ҳисобга олиб ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг ўрмон тўғрисидаги қонун асослари лойиҳасини доимий комиссиялар номидан тасдиқлаш ҳақида таклиф киритади. Кўриб чиқилаётган масала юзасидан СССР Олий Совети қарорининг лойиҳасини маъқуллаш тўғрисида ҳам таклиф киритилади.

РСФСР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, депутат **В. И. Воротников** ўз нутқида Россия Федерациясида катта ҳажмда ёғоч тайёрланаётганлигига қарамай, ўрмонларнинг майдони қисқариши ҳамда ёғоч тайёрлаш ҳам давом этиши, ҳатто анча кўпайганлигини таъкидлаб ўтди. Бироқ ёғоч асосан мамлакатнинг Европа қисмида тайёрланмоқда. Сибирь ва Узоқ Шарқ районларида эса ёғоч тайёрлаш кам кўламда олиб борилмоқда, ҳолбуки асосий ўрмон массивлари шу районларда жойлашган. Бу аҳволни тузатиш лозим. Янги темир-йўл магистралларининг қурилиши шарқий районларда ёғоч тайёрлаш ишларини кучайтиришга кўп жиҳатдан ёрдам беради.

Янги қонун, деди депутат, ўрмон бойликларини узлуксиз кўпайтириб бориш учун курашда муҳим палла бўлиб хизмат қилади.

Ўрмон тўғрисидаги қонун асослари лойиҳаси ҳақидаги масаланинг сессия муҳокамасига қўйилганлиги, деди Украина Компартияси Ивано-Франковск область комитетининг биринчи секретари, депутат **П. Ф. Безрук**, табиат ресурсларидан омилкорлик билан фойдаланишга партия билан Совет ҳукумати қандай катта аҳамият бераётганлигини яна бир бор кўрсатиб турибди.

Ўтмишда Карпат ўрмонларидан қандай вахшиёна фойдаланилганлиги ҳаммага маълум, деб давом этди нотиқ. Партия, совет, хўжалик органлари ўрмонларни тиклаш юзасидан катта иш олиб бордилар. Ўрмонлар бир неча йилдан буён уларни кесишга қараганда кўпроқ кенгайиб бормоқда.

Депутат ўрмон тўғрисидаги қонунда комплекс ўрмон корхоналарининг ўрнини белгилаш керак, деган таклифни киритди.

СССР соғлиқни сақлаш министри, депутат **Б. В. Петровский** айтдики, ўрмон ҳақидаги қонун асослари лойиҳаси Коммунистик партиянинг совет кишиси бахт-саодати, унинг тинч меҳнати ва сиҳат-саломатлиги тўғрисида, мамлакатнинг табиий ресурсларини сақлаш тўғрисидаги қилаётган ғамхўрлигини акс эттиради.

Касалликнинг олдини олиш борасидаги катта план совет медицинасининг негизини ташкил этади. Бу планда ўрмонларни ва кўчатзорларни муҳофаза қилиш тадбирлари жуда муҳим эканлиги кўрсатиб ўтилган, деди министр. Бунинг боиси шуки, бу тадбирлар ҳаво, сув, тупроқнинг покиза бўлишини таъминлайди, сокинликни сақлайди.

Депутат СССР янги Конституцияси лойиҳасида мамлакатимиз гражданларининг сиҳат-саломатлигини сақлаш ҳуқуқи ёзиб қўйилганлигини эслатиб ўтди. Ўнинчи беш йилликнинг ҳар йили, деди у, ана шу ажойиб сўзлар тўғри эканлигини тасдиқлайди.

Ўзбекистон Компартияси Жиззах область комитетининг биринчи секретари, депутат **С. М. Тоиров** ўз нутқини инсоннинг табиатни ўзгартириш соҳасидаги олижаноб вазифасига бағишлади.

(Депутат С. М. Тоиров нутқи алоҳида босилмоқда).

«Тарибию қялю» колхози (Литва ССР) бош агрономи, депутат **П. П. Ионайтис** ўз нутқида бундай деди: бутун мамлакатда бўлгани каби Литвада ҳам лойиҳани кенг муҳокама қилиш вақтида қонун асослари лойиҳаси Ватанимизнинг ўрмон бойликларини муҳофаза қилиш, улардан оқилона фойдаланишга қаратилганлиги таъкидлаб ўтилди. Ўрмон, деди депутат, катта эътибор ва ғамхўрликни талаб этади. Ўрмонларни тиклаш соҳасидаги ишларни давлатга қарашли ўрмон массивлари территориясидагина эмас, колхоз ва совхозларда ҳам амалга ошириш керак.

Ўрмон тўғрисидаги янги қонун, деди Грузия ССР Олий Совети Президиумининг Раиси, депутат **П. Г. Гилашвили**, мамлакатнинг ўрмон бойликларини сақлаш, кўпайтириш ва улардан тўғри фойдаланишга ёрдам беради.

Меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советлари, деб таъкидлади нотиқ, ўрмонлардан фойдаланишни тартибга солишда катта роль ўйнайди. Аҳолининг атроф-теваракдаги муҳитга зўр эътибор билан қарашини таъминлайдиган ишларни уюштириш, табиий бойликлардан фойдаланишга гражданларнинг онгли муносабатда бўлишини кучайтириш зарур.

Озарбайжондаги Н. Нариманов номли медицина институтининг ректори, депутат **З. Т. Қулиева** қўйидагиларни таъкидлаб ўтди: муҳокама этилаётган қонун асослари лойиҳаси кишиларнинг сиҳат-саломатлигини таъминлаш билан чамбарчас боғланган. Атроф-муҳит медицинага доир кўпгина проблемаларни ҳал этишда ғоят муҳим омилдир. Ана шу муҳитдаги ўрмонлар эса бу соҳада жуда катта роль ўйнайди.

Ўрмон тўғрисидаги қонун асосларининг қабул қилиниши, деди депутат, бевосита хўжалик вазифаларини ҳал этишга кўмаклашибгина қолмай, шу билан бирга совет кишиларини Ватанимиз табиий бойликларининг муҳим таркибий қисми бўлган ўрмонга юксак масъулиятни сезиб, тадбиркорлик билан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашга ёрдам ҳам беради.

Меҳнаткашлар депутатлари Горький область Совети ижроия комитетининг раиси, депутат **В. И. Семёнов** бундай деди: унча катта бўлмаган тайёрлаш ташкилотларида иморатбоп ёғоч-тахта кам олинмоқда. Ўрмон саноати министрлигига қарашли корхоналарда эса иморатбоп ёғоч тахта тайёрлаш 85 процентга етди, унинг таннархи эса бир ярим баравар камайди. Ёғоч тайёрлаш ишларини концентрациялаш ва ишлаб чиқаришни яхшилаш областда қўшимча равишда бир миллион куб метр ёғоч тахта олиш ва ҳар йили 2,5 минг гектар ўрмонзорни сақлаш имконини берган бўлур эди.

Коми АССР Министрлар Советининг Раиси, депутат **П. А. Безносов** айтдики, кейинги йилларда автоном республикада ишлаб чиқариш структурасини такомиллаштириш, ўрмон бойликларидан комплекс ва оқилона фойдаланишга катта эътибор берилмоқда. Ишлаб чиқаришни концентрациялаш ва корхоналарни йириклаштириш, бутун йил мобайнида ишлаб турадиган автомобиль йўллари шоҳобчаларини ривожлантириш, ёғоч тайёрловчилар посёлкаларини барпо этиш — ёғоч тайёрлашни янада ривожлантиришнинг асосий йўналишидир.

Витебск область меҳнаткашлар депутатлари Докшици район Совети ижроия комитетининг раиси, депутат **Л. А. Петрашкевич** бундай деди: давлатимизнинг бойлиги ва совет халқининг фаровонлиги табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Депутат ўрмон индустриясини техника билан қайта қуроллантириш ҳақида, ўрмонларни тиклаш соҳасидаги технологияни такомиллаштириш ҳақида, давлатга қарашли ўрмонларни муҳофаза қилиш ролини ошириш тўғрисида бир қанча таклифлар киритди.

Сўзга чиққан депутатлар «ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг ўрмон тўғрисидаги қонун асослари» лойиҳасини доимий комиссиялар томонидан киритилган ўзгартишлар ва қўшимчалар билан маъқуллашни таклиф этдилар.

СССР Олий Совети Президиуми ва СССР ҳукумати составида баъзи ўзгаришлар содир бўлганлиги муносабати билан Иттифоқ Совети қонун лойиҳалари тайёрловчи комиссияси ва ташқи ишлар комиссияси составини бир мунча ўзгартирди.

Шу билан СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг мажлиси тамом бўлди.

* * *

СССР Олий Совети Миллатлар Советининг биринчи мажлиси Кремлнинг палаталар мажлиси залида соат 14 да бошланди.

Депутатлар **А. Н. Косигин, А. Я. Пельше, Д. Ф. Устинов, П. М. Машеров, Б. Н. Пономарев, Ш. Р. Рашидов, М. В. Зимянин, К. В. Русаков** ўртоқларни узоқ давом этган қарсаклар билан кутиб олдилар.

Миллатлар Совети Мандат комиссиясининг раиси депутат **Э. А. Шеварднадзе**нинг шу комиссия доклади юзасидан Молдавия ССРдан янги сайланган депутатнинг ваколатини тасдиқлади.

Миллатлар Советининг Раиси депутати **В. П. Рубен** олиб борган мажлисда ўрмонларни муҳофаза қилишни янада яхшилаш, ўрмон ресурсларидан оқилона фойдаланиш тадбирлари ҳақидаги ҳамда ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг ўрмон тўғрисидаги қонун асосларининг лойиҳаси ҳақидаги масалаларни муҳокама қилиш бошланди.

Депутатлар Октябрь революциясидан кейин ўтган 60 йил ичида Коммунистик партия ва унинг Марказий Комитети раҳбарлигида мамлакатни иқтисодий жиҳатдан қудратли давлатга айлантира олган совет халқининг буюк бупёдқорлик фаолияти тўғрисида зўр ифтихор билан гапирдилар. Нотиқлар Совет Иттифоқида ривожланган, етук социалистик жамият қурилганлигини фахрланиб таъкидлаб ўтдилар. СССР янги Конституцияси лойиҳасида ана шу ва бошқа эришилган муваффақиятлар акс эттирилган.

Сўзга чиққан нотиқларнинг ҳаммаси КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев СССР Олий Совети Президиумининг Раиси қилиб сайланганлиги тўғрисида зўр мамнуният билан гапирдилар. Леонид Ильич ажойиб ташкилотчилик ва сиёсатда узоқни кўра билиш истеъдодини, деб таъкидлашди депутатлар, халққа, коммунизм қурилишининг буюк ишига садоқат билан хизмат қилишга бағишламоқда.

Ўртоқ Л. И. Брежнев ўзининг буюк шахсий фазилатлари ва фидокорона меҳнати билан бутун дунёда Коммунистик партия ва Совет давлатининг энг обрўли намояндаси сифатида танилди.

Қишлоқ хўжалиги комиссиясининг раиси депутат **В. А. Карлов** қишлоқ хўжалиги, қонун лойиҳалари тайёрлаш, табиатни муҳофаза қилиш, саноат бўйича комиссиялар номидан қўшимча доклад қилди.

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаёқ «Ўрмон тўғрисида» ленинча декретда ва бошқа ҳужжатларда, дейди у, ўрмон хўжалигини ва ўрмондан фойдаланишнинг социалистик негизда ташкил этиш принциплари мустаҳкамлаб қўйилган эди. Ўрмонларни сақлаш ҳамда ўрмонларнинг табиий, фойдали хусусиятларини кўпайтириш, уларнинг унумдорлигини ошириш, ўрмон хом ашёси ресурсларидан оқилона фойдаланиш вазифалари ана шу асосда изчиллик билан ҳал қилиб келинди.

Ўрмонларни қайта тиклаш ишларининг ҳажми, деб давом эттирди сўзини нотиқ, ғоят кенгайиб кетди. Йилига 2 миллион 300 минг гектардан ортиқроқ майдонга ўрмон дарахтлари ўтказилмоқда ва ўрмонлар қайта тикланмоқда. Ўрмонларни қайтадан тиклашнинг бу хилдаги миқёсларини жаҳондаги бирорта ҳам мамлакат билмайди.

ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг ўрмон тўғрисидаги қонун асосларининг лойиҳаси СССР Олий Советининг мазкур сессиясига СССР ҳукумати томонидан ишлаб чиқилиб тақдим этилиши, деб сўзини давом эттирди депутат, табиий бойликларни муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш тўғрисида Коммунистик партия билан Совет давлати ғамхўрлигининг янги ифодасидир.

Қонун асосларининг лойиҳаси ҳамма жойда тўла маъқулланмоқда. Унинг муҳокама қилиниши жамиятимиз кенг демократизмини, ўрмонларни қайта тиклашдан оқилона, комплекс фойдаланиш ва ўрмонларни муҳофаза қилиш масалаларини ҳал этишдан меҳнаткашларнинг ғоят манфаатдорлигини, совет гражданларининг сиёсий активлиги ва онглилигининг юксак даражасини яна бир марта намойиш қилиб кўрсатмоқда.

Комиссиялар қонун асосларининг лойиҳаси юзасидан барча таклиф ва мулоҳазаларни қараб чиқдилар ҳамда унга баъзи тузатиш ва қўшимчалар киритишни таклиф қиладилар. В. А. Карлов сессияга шулар тўғрисида ахборот берди.

Доимий комиссиялар, дейди у, ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг ўрмон тўғрисидаги қонун асосларининг СССР ҳукумати томонидан тақдим этилган лойиҳасини маъқуллайдилар ва уни комиссияларнинг тузатишлари ва қўшимчалари билан тасдиқлаш тўғрисида таклиф киритадилар.

Комиссиялар СССР Олий Советининг «Ўрмонларни муҳофаза қилишни ва ўрмон ресурсларидан рационал фойдаланишни янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарорини қабул қилиш тўғрисида ҳам таклиф киритадилар.

Чернигов область партия комитетининг биринчи секретари, депутат **Н. В. Уманец** сўзга чиқади. СССРдаги ўрмонлар, деди у, экономикани ривожлантиришда, атроф-муҳитни яхшилаш ва бутун халқнинг фаровонлигини оширишда катта роль ўйнайди. Ўрмонларнинг кўп соҳада аҳамият касб этганлиги ўрмон бойликларидан оқилона фойдаланиш, уларни сақлаш ва кўпайтириш ишини умумдавлат вазифасига айлантиради.

Нотиқ Чернигов области территориясида ўрмон бойликлари мавжуд эканлиги ҳақида, бу бойликларни сақлаш ва улардан оқилона фойдаланиш тадбирлари тўғрисида гапирди. У табиий бойликларни муҳофаза қилишда олимларнинг ўрмон хўжалиги меҳнаткашларига ёрдамини кучайтириш ҳақида таклиф киритди.

Белоруссия ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, депутат **В. Ф. Мицкевич** қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: КПСС Марказий Комитети социалистик экономикани ривожлантириш, хўжалик юритиш методларини такомиллаштиришга доир асосий вазифаларни изчиллик билан ўрганга қўймоқда ва ҳал этмоқда. Шу билан бирга, умумдавлат проблемаларини ишлаб чиқиш ҳар бир иттифоқдош республикадаги ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш билан узвий равишда боғлаб олиб борилмоқда.

Депутат Белоруссия ССР экономикаси қандай ривожланаётганлиги ҳақида қисқача гапириб, бундай деди: ҳозирги замон жамиятининг ҳаётини тўғри уюштирган ўрмон хўжалигисиз тасаввур этиш қийин. Республикадаги ўрмонзорлар бутун территориянинг учдан бир қисмини ташкил этади. Совет ҳокимияти йилларида бу ўрмонзорлар 1 миллион 800 минг гектардан ҳам знёд кўпайди.

Ўрмонларни муҳофаза этиш ва кўпайтира бориш, уларнинг ресурсларидан оқилона фойдаланиш, деди СССР Министрлар Совети Ўрмон хўжалиги давлат комитетининг ранси, депутат **Г. И. Воробьев**, атроф-муҳитни сақлашни таъминлашнинг муҳим қисмидир.

Бизнинг мамлакатимизда ҳозир ўрмонзорларни тиклаш соҳасида кенг қўламда иш олиб борилмоқда. Совет давлатининг доимий ғамхўрлиги туфайли бу ишларнинг самарадорлиги ва сифати ошиб бормоқда.

Халқ хўжалиги планли бошқарилаётганлиги мамлакатнинг шарқий районларида ёғоч тайёрлаш ҳажмини кўпайтириш имконини берди. Шу тармоқдаги мутахассислар фан ва техниканинг ёрдами билан ўрмонзорлар халқ хўжалигига етказиб бераётган қимматли материаллардан оқилона фойдаланиш имкониятига эга бўлдилар.

Нотиқ ўрмон массивларини ёнғин ва зараркунандалардан муҳофаза қилиш проблемаларига тўхталиб ўтди, жамоатчиликнинг бу соҳада катта роль ўйнаётганлигини таъкидлади.

Молдавия ССР колхозлар кенгашининг раиси, депутат **Н. М. Зайченко** минбарга чиқади. У айтдики, ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг ўрмон тўғрисидаги қонун асосларини ишлаб чиқиш ва уни комиссиялар тузатишлари ва қўшимчалари билан тасдиқлаш тўғрисида таклиф киритадилар.

Комиссиялар СССР Олий Советининг «Ўрмонларни муҳофаза қилишни ва ўрмон ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалаларига жуда катта аҳамият бермоқдалар. Бошқирдистон АССР бунга яққол мисол бўла олади. Бошқирдистон АССРнинг экономикаси ва маданияти мисли кўрилмаган тез суръатлар билан ривожланмоқда.

Сўнгра нотиқ партия табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш йўлини ҳамиша кўрсатиб бераётганлигини, табиатни муҳофаза қилиш йўлидаги курашни кучайтиришга бутун чоралар билан кўмаклашганлигини уқтириб ўтди.

Латвия Компартияси Марказий Комитетининг секретари, депутат **Э. Я. Аушкап** бундай деди: Латвия ССРда ўрмонлар республика территориясининг учдан бир қисмидан кўпроғини эгаллайди. Республикадаги партия, совет, хўжалик органлари ўрмон хўжалигини ривожлантиришга доим катта эътибор бермоқдалар. Илмий тавсиялар асосида ўрмонзорларнинг маҳсулдорлигини кўпайтириш тадбирлари амалга оширилди. Ўрмон уруғчилик плантацияларини барпо этиш соҳасидаги ишларнинг биринчи босқичи тугалланди. Теплицаларда яхши навли кўчатларни тез етиштириш усули жорий этилди. 35 мингга яқин қарағай кўчати шу тарзда етиштирилмоқда. Дарахтлар кесиб олинган ҳамма жойларда янги кўчатлар ўтказилмоқда.

Иссиқкўл область партия комитетининг биринчи секретари, депутат **А. Дуйшеев** бундай деди: саноатнинг тез суръатлар билан ривожланиб бораётганлиги табиий бойликларни ғоят самарали ва тежаб сарф қилишни талаб этади. Бу гап ўрмон бойликларига ҳам тамомила тааллуқлидир. Депутат ўрмонларни сақлаш ва кўпайтириш масалаларига батафсил тўхталиб ўтди. Ўрмонларни табиий офат ва зараркунандалардан яхши ҳимоя қилиш учун кўрилаётган тадбирлар ҳақида гапирди.

Нотиқ бир қанча масалаларга ҳам тўхталиб ўтди. Бу масалаларнинг ҳал этилиши ўрмон бойлигини янада самарали кўпайтиришга ёрдам беради.

СССР целлюлоза-қоғоз саноати министри, депутат **К. И. Галаншин** айтдики, бу соҳада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 1960 йилдан буён уч ярим баравар ортди. Тармоқда йирик корхоналар кўпайди. Бу корхоналар ёғоч-тахтани тобора кўп истеъмол қилмоқдалар. Целлюлоза-қоғоз саноатининг ишчилари ва мутахассислари ҳом ашёдан комплекс фойдаланиш проблемаларига катта эътибор бермоқдалар. Депутат ёғоч-тахтани химиявий тарзда қайта ишлашни тез суръатлар билан ривожлантириш зарур эканлигини айтиб, ўзининг шу фикрини тасдиқлаш учун кўпгина яққол фактлар келтирди.

Министр шу тармоқ меҳнаткашларининг Улуғ Октябрь 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун мусобақани ривожлантирганликлари тўғрисида гапирди. У целлюлоза-қоғоз саноати давлат плани ва муқобил планни бажаради, деди.

* * *

Иттифоқ Совети билан Миллатлар Совети ўрмонларни муҳофаза қилишни янада яхшилаш, ўрмон ресурсларидан оқилона фойдаланиш тадбирлари тўғрисидаги ва ССР Иттифоқи ҳамда иттифоқдош республикаларнинг ўрмон тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақидаги масалалар юзасидан доклад муҳокамасини тамомладилар.

Тўққизинчи чақириқ СССР Олий Советининг олтинчи сессияси 17 июнда ўз ишини давом эттиради.

(ТАСС).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ МАЖЛИСИ

(Боши биринчи бетда).

Маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари партия органлари билан биргаликда катта ёшли аҳоли орасида Конституция лойиҳаси муҳокамасини ташкил қилиб, шу муҳокама чоғида маҳаллий бошқариш органлари шаънига айтилаётган таклиф ва танқидий мулоҳазаларни амалга ошириш чораларини кўраяптилар, меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятларини кўриб чиқишга эътиборни кучайтираяптилар, деб таъкидлади А. Ф. Ватченко.

Республика партия, совет ва касаба союз органлари Конституция лойиҳаси умумхалқ муҳокамасидан ўтказишга бағишланган митинглар ва йиғилишлар чоғида 8 мингга яқин киши сўзга чиққанлигини айтди. Ҳамма ерда Конституция лойиҳаси якдиллик билан маъқулланмоқда. Совет кишилари лойиҳада партиянинг жамиятимиз ва давлатда тутган роли аниқ белгилаб берилганлигидан, ишлаб чиқаришни бошқаришда меҳнаткашлар коллективларининг роли тўғрисида, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги мавжуд тафовутлар йўқолиб бораётганлиги ҳақида, комсомолга қонун чиқариш ташаббуси ҳуқуқи берилганлиги ҳақида моддалар борлигидан мамнун эканликларини изҳор қилмоқдалар.

Мажлис охирида ўртоқ Л. И. Брежнев бундай деди:

Украина ССР ва Литва ССРда СССР Конституцияси лойиҳасини умумхалқ муҳокамаси авж олдириб юборилганлиги тўғрисида ўртоқларнинг берган маълумотлари Конституция лойиҳаси ҳамда Марказий Комитет май Пленумининг материалларни муҳокама қилиниши муносабати билан Советлар ва партия ташкилотлари амалга ошираётган жуда катта ишни бизга етарлича яққол кўрсатмоқда, деб ўйлайман. Шу ҳужжатларни муҳокама қилиш муносабати билан мамлакатда сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати янада авж олиб кетди.

Бизда Конституция лойиҳасини муҳокама қилишнинг ҳамма босқичларида ахборот ишн яхши йўлга қўйилмоғи керак. Марказий Комитетнинг май Пленумида қилинган докладда мен қўйган вазифалар етарлича равшан, қўшимча тушунтиришлар талаб қилмайди, деб ўйлайман. Ишнинг моҳияти шуки, ҳозир шу ҳужжатлар ва қарорларни, шунингдек мамлакат олдида турган амалий вазифаларни тушунтириб бериш борасидаги катта ташкилий ва оммавий-сиёсий ишларни юоришидан иборат.

СССР Олий Совети Президиуми қабул қилган қарорда СССР Конституцияси лойиҳасининг умумхалқ муҳокамасини ташкил этиш соҳасида ижобий ишлар қилинганлигини қайд этиб СССР Конституцияси лойиҳасини умумхалқ муҳокамасини янада авж олдириш ва ғоявий-сиёсий даражасини юксалтиришни таъминлашни тавсия қилди.

СССР Олий Совети Президиумининг мажлисида масалани муҳокама қилишда В. В. Гришин, Д. А. Кунаев, Г. В. Романов, В. В. Шчербицкий, П. М. Машеров, Б. Н. Пономарев, Ш. Р. Рашидов, И. В. Капитонов ўртоқлар, шунингдек СССР Олий Совети палаталарининг раислари А. П. Шитиков ва В. П. Рубен, СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. П. Георгадзе қатнашдилар.

(ТАСС).

МОСКВА. Катта Кремль саройи. Тўққизинчи чақириқ СССР Олий Советининг олтинчи сессияси. Суратда: мажлисда Ўзбекистон ССРдан сайланган депутатлар.

ТАСС—ЎзТАГ телефотоси.

ХАЛҚ БАХТ-САОДАТИ ЙЎЛИДА, КОММУНИЗМ ЙЎЛИДА

(Бошы биринчи бетда).

Биз ҳаммамиз, деди у, Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советининг барча депутатлари, Олий Советнинг бутун состави КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, Коммунистик партия ва Совет давлатининг, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг атоқли арбоби, бутун дунёда тинчлик учун толмас курашчи ўртоқ Леонид Ильич Брежневни СССР Олий Совети Президиумининг Раиси лавозимига баланд руҳ билан сайлаганликларидан иборат ҳақиқатдан ҳам тарихий фактнинг унутилмас таассороти билан яшамоқдамиз.

Яқдиллик билан қабул қилинган СССР Олий Советнинг тарихий қарори — биз, СССР Олий Совети депутатларинингтина хоҳиш-иродаси бўлиб қолмай, бу — халқ вакиллари — Советлар депутатларининг икки миллиондан кўпроқ бутун армияси хоҳиш-иродасининг ифодаси эканлигини ҳар биримиз яхши тушунамиз ва чуқур англаймиз. Бу — улуғ кўп миллатли Ватанимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи барча халқларининг хоҳиш-иродасидир!

Қадрдонимиз Леонид Ильич Брежневнинг яна СССР Олий Совети Президиумининг Раиси қилиб сайланганлиги муносабати билан меҳнат коллективларидан ва гражданлардан Олий Советга кўплаб қутловлар ва табрикномалар келаётганлигини маълум қилди. Бу қутловлар ва табрикномаларда КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневни юксак давлат лавозимига сайлаш тўғрисидаги қарор яқдиллик билан қўллаб-қувватланганлиги ва қизғин маъқулланганлиги ўз ифодасини топган. Депутатлар бу хабарни узоқ давом этган гулдурос қарсаклар билан қутиб олдилар.

СССР Олий Советининг сессияси ўз ишини тамомлади. (ТАСС).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎРМОНЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ ВА ЎРМОН РЕСУРСЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Жуда катта халқ хўжалик, иқтисодий ва социал аҳамиятга эга бўлган ўрмонлар СССР табиий бойликларининг муҳим таркибий қисмидир. СССРдаги ўрмонлар давлат мулки эканлиги ва халқ хўжалиги планли бошқарилиши ўрмон ресурсларидан комплекс ва оқилона фойдаланиш, халқ хўжалиги ва аҳолининг хилма-хил эҳтиёжларини қондириш учун, атроф муҳитни яхшилаш, совет кишиларининг хозирги ва келажак авлодлари сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилиш ва фаровонлигини ошириш учун ўрмонларни муҳофаза этиш ва узлуксиз кўпайтириш вазифаларини муваффақиятли ҳал этишнинг энг асосий шартидир. Саноат, транспорт, қишлоқ хўжалиги, шаҳар қурилиши тез ривожланаётган бир шароитда ана шу ҳамма вазифаларнинг амалга оширилиши актуал аҳамият касб этади.

Коммунистик партия билан Совет давлати ўрмон бойликларини муҳофаза қилиш ва кўпайтириш тўғрисида, улардан тежаб-тергаб фойдаланишни таъминлаш ҳақида доимо ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Бу ғамхўрлик КПСС XXV съезди қарорларида, СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1976-1980 йилларга мўлжалланган Давлат планида ўзининг конкрет ифодасини топган. Бу ҳужжатларда ўрмон хўжалигини, ўрмон ва ёғочсозлик саноати тармоқларини янада ривожлантиришнинг, табиатни муҳофаза қилишга доир муфассал программани амалга оширишнинг ва табиий ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланишни таъминлашнинг асосий йўналишлари белгилаб берилган.

Кейинги йилларда СССР ҳукуматининг қарорларига биноан мамлакатда ўрмонларни қайта тиклаш ва кўпайтириш ҳамда уларнинг маҳсулдорлигини ошириш соҳасидаги ишлар катта ҳажмда олиб борилмоқда. Ўрмон хўжалигининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ўрмонларни ёнғинлардан муҳофаза қилишни кучайтириш, уларни зараркунандалар ва касалликлардан қўриқлаш тадбирлари амалга оширилмоқда.

Соғломлаштириш мақсадларида, дам олиш, туризм, аҳолининг маданий-эстетик эҳтиёжларини қондириш учун ўрмонлардан кенг фойдаланила бошланди.

Ўрмон ва ёғочсозлик саноатининг техника таъминоти даражаси оширилганлиги, ишлаб чиқариш технологияси такомиллаштирилганлиги мамлакатнинг серўрмон районларида ёғоч тайёрлашни кўпайтириш ва кам ўрмон районларида ёғоч тайёрлашни қисқартириш, тайёрланаётган ёғочдан тўла-тўкис фойдаланиш имконини берди.

Ўрмон хўжалигини юритишнинг актуал проблемаларига, ёғоч тайёрлаш ва ёғочни қайта ишлаш усуллари ҳамда методларини яхшилашга доир илмий-тадқиқот ишлари янада ривожланди.

Касаба союзлари, табиатни муҳофаза қилиш жамиятлари, ёшлар ташкилотлари ва бошқа жамоат ташкилотлари ўрмонлардан оқилона фойдаланишга, уларни узлуксиз кўпайтиришга, муҳофаза қилиш ва қўриқлашга актив кўмаклашмоқдалар.

Шу билан бирга СССР Олий Совети шуни қайд этадики, ўрмонларни узлуксиз кўпайтириш ва уларни муҳофаза қилиш, ўрмон ресурсларидан фойдаланиш ишида катта камчиликлар бор.

Айрим жойларда ўрмонларни қайта тиклаш ва кўпайтириш иши самарали ўтказилмаётир, давлат ўрмон фонди ерларининг анчагина майдонлари дарахтзорларга айланмай қолмоқда. Мамлакатнинг баъзи районларида ўрмонларни қайта тиклаш суръатлари ёғоч тайёрлаш суръатларидан орқада қолмоқда, нав-ниҳоллар ҳамиша ҳам яхши парвариш қилинаётгани йўқ. Шунинг натижасида кесиб олинган игна барғли ўрмонларнинг катта-катта майдонларини қиммати ош бўлган юмшоқ барғли нав дарахтлар босиб кетмоқда, ўрмонлардаги экинларнинг нобуд бўлиш ҳолларига йўл қўйилмоқда; иҳота ўрмонзорларини кўпайтиришга дуруст эътибор берилмаяпти, шу мақсадларга ажратилган маблағларни концентрациялаш таъминланмаяпти.

Ўрмонларни муҳофаза қилиш қисман яхшиланганлигига қарамай, ўрмон ёнғинлари айниқса Шимол, Сибирь ва Узоқ Шарқ районларида халқ хўжалигига ҳамон катта зарар етказмоқда. Ўрмонларнинг ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этилиши устидан давлат ўрмон хўжалиги органларининг контроллик қилиш даражаси ўртага қўйилаётган талабларга ҳали мувофиқ келаётгани йўқ. Ўрмон ёнғинларининг олдини олиш сust ўтказилмоқда.

Ёғоч тайёрлаш ва уни сувда оқизишда ҳамон кўплаб ёғоч нобуд бўлмоқда. Мамлакатнинг айрим серўрмон районларида дарахт л а р н и шартли — ёппасига кесиш давом этмоқда. Бу эса, ўрмон хом ашё ресурсларидан тўла-тўкис фойдаланмасликка, ўрмонларнинг ҳолати ва уларни қайта тиклаш шароитлари ёмонлашувига олиб бормоқда.

Целлюлоза-қоғоз ва гидролиз саноати қувватлари етарли равишда ривожланмаётганлиги ва янги технология дуруст жорий этилмаётганлиги сабабли СССРнинг Европа қисмида юмшоқ барғли нав дарахт ёғочларидан фойдаланиш пайсалга солинмоқда. Айни вақтда шу районларда игна барғли ўрмонларнинг қайратлилигига йўл қўйилмоқда. Мамлакатнинг Шарқий районларида ёғочни қайта ишлаш қувватлари ёғоч тайёрлаш саноатининг ривожидан анча орқада қолмоқда, бу эса ёғочни хода ҳолида олис м..офага норационал ташиш учун кўп миқдорда қўшимча чиқим қилинишига сабаб бўлмоқда.

Кўп жойларда ингичка ёғочдан, шунингдек дарахт қирқиш, ёғоч тилиш ва ёғочни қайта ишлашда ҳосил бўладиган чиқитлардан етарли равишда тўлиқ фойдаланилмаяпти. Темир йўл транспортида ўз вақтида ташилмаслиги орқасида ёғоч ҳали ҳам кўплаб нобуд бўлмоқда.

Ёғоч тайёрлаш ва қайта ишлаш билан одатда тайёрланган ёғочдан ва унинг чиқитларидан комплекс фойдаланишни таъминлашга қодир бўлмаган майда корхоналарга эга бўлган кўп министрлик ва идоралар шуғулланаётганлиги ўрмон саноати ишлаб чиқаришини планлаштириш ва ташкил этишдаги катта камчиликдир.

Ўрмон хўжалиги ва ўрмон саноати корхоналари ўрмон хўжалиги ва ёғоч тайёрлаш ишларини ўтказиш учун зарур техника воситалари билан ҳали ҳам етарли таъминланмаган. Ўрмон хўжалиги, ўрмон саноати ва машинасозлик тармоқлари илмий-тадқиқот ҳамда лойиҳа-конструкторлик ташкилотлари шу ишларни табиатни муҳофаза қилиш талабларини ҳисобга олган ҳолда комплекс механизациялаш учун керакли машиналар системасини сust ишлаб чиқмоқдалар. Машинасозлик министрликлари ўрмон хўжалиги ва ёғоч тайёрлаш техникасини ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун барча зарур чораларни кўрмаяптилар. Ўрмон хўжалиги ва ўрмон саноати корхоналарининг машина ва механизмлар ремонтига бўлган эҳтиёжлари қондирилмаяпти.

Ёғочдан ва ёғоч чиқитларидан ҳалқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни, шунингдек, ёввойи мева, резавор, ёнғоқ, қўзиқорин, шифобахш ўсимликлар ва ўрмоннинг бошқа маҳсулотларини тайёрлаш ҳамда қайта ишлашни кўпайтиришнинг мавжуд имкониятларидан етарли фойдаланилмаяпти.

Меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари ўрмонларни кўпайтириш, уларни муҳофаза қилиш ва улардан тўлиқ фойдаланиш, ўрмон мелиорацияси ва ўрмон тузилишига доир тадбирларнинг ўтказилиши устидан ҳали ҳам тўла равишда контроллик қилаётганлари йўқ.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Олий Совети **қарор қилади:**

1. Социалистик экономикани янада ривожлантириш ва совет халқининг фаровонлигини ошириш, шунингдек атроф муҳитни яхшилаш мақсадларида ўрмонларни муҳофаза қилиш ва қўриқлашни, ўрмон ресурсларидан комплекс ва оқилона фойдаланишни таъминлаш, уларни ўз вақтида узлуксиз кўпайтириш, ўрмонларнинг маҳсулдорлигини ошириш, сувни муҳофаза этиш, иҳота, иқлимни тартибга солиш, санитария-гигиена, соғломлаштириш хусусиятларини ва бошқа фойдали хусусиятларни кучайтириш энг муҳим давлат вазифаларининг бири деб ҳисоблансин.

2. СССР Министрлар Совети СССР Олий Совети Иттифоқ Совети ва Миллатлар Совети доимий комиссияларининг, депутатларнинг таклифларини ҳисобга олиб, ўрмон ресурсларидан фойдаланишни янада яхшилаш, ўрмонларни узлуксиз кўпайтириш ва муҳофаза қилиш тадбирларини ишлаб чиқиб, амалга оширсин, бунда:

ўрмон ресурсларидан комплекс ва оқилона фойдаланиш, ўрмон саноати ишлаб чиқаришининг ташкил этилишини ва халқ хўжалигини ўрмон материаллари билан таъминлашни яхшилаш, ўрмонларнинг сувларини муҳофаза этиш, қўриқлаш, соғломлаштириш ва бошқа фойдали табиий хусусиятларини кучайтиришни яхшилашни;

кесиладиган ўрмон фондидан фойдаланишни яхшилаш, игна барғли ўрмонларни тасдиқланган мўлжалдаги ўрмон кесиш доирасида кесишни таъминлаш, мўлжалдаги кесиладиган ўрмонни қийратишга ва шартли—ёппасига кесишга барҳам бериш, ёғоч тайёрлаш, ташиш ва қайта ишлаш пайтида унинг нобуд бўлишини қисқартириш, ёғочни боғлаб оқизишни янада қисқартириш, шу талабларнинг бажарилиши учун министрликлар ва идораларнинг масъулиятини ошириш;

СССРнинг Европа қисмида ёғочдан, шу жумладан юмшоқ барғли нав дарахт ёғочларидан ҳамда Сибирь ва Узоқ Шарқ районларидаги тилоғоч дарахт ёғочларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш, айниқса мамлакатнинг Шарқий районларида ёғоч ва ёғоч чиқитларини тайёрлайдиган ҳамда обдон қайта ишлайдиган қувватларни ривожлантиришни;

ўрмонзорларнинг маҳсулдорлигини ошириш, ўрмонларни қимматли нав дарахтлар билан ўз вақтида қайта тиклашни таъминлаш, ўрмонларни қайта тиклаш ва ихота дарахтзорларини кўпайтириш тадбирларини такомиллаштириш ва шунга доир тадбирларнинг самарадорлигини ошириш, ўрмонларни парваришлашнинг зарур тадбирларини ўтказишни;

ўрмонларда ёнғиннинг олдини олиш тадбирларини кучайтиришни; ўрмонлардаги ёнғин хавфсизлигини таъминлаш учун корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва гражданларнинг масъулиятини ошириш ҳамда ўрмон ёнғинларига қарши курашни ташкил этиш тадбирларини амалга оширишни;

ўрмон хўжалигини юритиш, ўрмон ресурсларидан фойдаланиш ва уларни узлуксиз кўпайтириш, ёғочдан ва ўрмоннинг бошқа фойдали маҳсулотларидан фойдаланишни яхшилаш, ўрмонларни ёнғинлардан муҳофаза қилиш ҳамда зараркунандалар ва касалликлардан қўриқлашнинг актуал проблемалари юзасидан илмий-тадқиқот ҳамда лойиҳа-конструкторлик ишларини кенгайтиришни;

ўрмон хўжалиги ва ёғоч тайёрлаш ишларини комплекс механизациялаш учун табиий муҳитни сақлашни ва кесилган дарахтзорлардаги ўрмонни қайта тиклашни таъминлайдиган янги техника ва илғор технологияни яратиш, ишлаб чиқариш ва жорий этишни жадаллаштиришни назарда тутсин.

3. Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари, СССР Министрлар Советининг Ўрмон хўжалиги давлат комитети ўрмонларнинг муҳофаза этилиши ва ўрмон ресурсларидан оқилона фойдаланилиши устидан, Ўрмондан фойдаланишнинг белгиланган қоидаларига риоя этилиши, ўрмонларда қайта тиклаш ишлари ва ўрмон хўжалигининг бошқа ишлари ўз вақтида, сифатли ўтказилиши, давлат ўрмон фонди ерларидан белгиланган мақсадда фойдаланилиши устидан зарур контроллиқни таъминласинлар.

4. СССР Ўрмон ва ёғочсозлик саноати министрлиги, ёғоч тайёрлаш билан шуғулланадиган бошқа министрликлар ва идоралар ўзларига ажратиб берилган ўрмон кесиш фондидан жуда тўла-тўкис ва оқилона фойдаланилишини, ёғоч тайёрлаш ва ёғочсозлик ишлаб чиқаришни самарадорлиги оширилишини, Ўрмондан фойдаланиш ва Ўрмонларни қайта тиклаш қоидалари ҳамда нормаларига қаттиқ риоя этилишини таъминласинлар.

5. Меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советлари ва уларнинг ижроия комитетлари ўрмонлардан фойдаланиш, уларни муҳофаза этиш ва қўриқлаш устидан контроллик қилиш юзасидан қонунга мувофиқ ўзларига бериб қўйилган ҳуқуқлардан тўла-тўкис фойдалансинлар, мамлакатнинг ўрмон бойликларини муҳофаза этишни таъминлаш ишига жамоатчиликни кенг жалб қилсинлар.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Л. БРЕЖНЕВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1977 йил 17 июнь.

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИНИНГ ҚОНУНИ

ССР ИТТИФОҚИ ВА ИТТИФОҚДОШ РЕСПУБЛИКАЛАРНИНГ ЎРМОН ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН АСОСЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Олий Совети **қарор қилади:**

1-модда. ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг ўрмон тўғрисидаги қонун асослари тасдиқлансин ҳамда бу асослар 1978 йил 1 январдан бошлаб кучга киритилсин.

2-модда. СССР Олий Совети Президиумига ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг ўрмон тўғрисидаги қонун асосларини жорий этиш тартибини белгилаш ҳамда ССР Иттифоқининг қонунларини асосларга мувофиқ ҳолга келтириш топширилсин.

3-модда. Иттифоқдош республикаларнинг Олий Советларига иттифоқдош республикаларнинг қонунларини ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг ўрмон тўғрисидаги қонун асосларига мувофиқ ҳолга келтириш топширилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Л. БРЕЖНЕВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1977 йил 17 июнь.

ТАБРИКЛАЙМИЗ ВА МАЪҚУЛЛАЙМИЗ!

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, ўртоқ Л. И. Брежневни мамлакат Олий Совети Президиумининг Раиси қилиб сайлаш тўғрисида СССР Олий Советининг қарорини биз, фарғоналик олимлар барча совет кишилари сингари қизғин табриклаймиз ва маъқуллаймиз.

Жонажон Коммунистик партиямиз — совет жамиятининг раҳбар ва етакчи кучи, совет жамияти сиёсий системасининг ўзагидир.

Шунинг учун ҳам КПСС Марказий Комитети Бош секретари ва СССР Олий Совети Президиумининг Раиси вазифасини бир киши бажаришини ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқда. Бу тадбир халқаро майдонда Ленин партиясининг обрўсини янада ошириши турган гап.

Биз ҳаммамиз Леонид Ильични содиқ ленинчи, халқлар тинчлиги ва бахт-саодати учун хормас-толмас курашчи сифатида биламиз. У халқаро муносабатларда Совет Иттифоқининг муносиб намояндасидир. Биз шунга астойдил аминмизки, ўртоқ Л. И. Брежнев Советлар мамлакати раҳбаридек юксак лавозимда ҳам илгаригидек битмас-туганмас ғайрат билан меҳнат қилаверади. Биз Леонид Ильичга совет кишиларининг ва жаҳондаги барча халқларнинг бахт-саодати ва қувончи йўлидаги ишида чин кўпгалиниздан янги-янги муваффақиятлар тилаймиз.

Йўлдош МАМАТОВ,
пластик массалар институти Фарғона илмий-тадқиқот бўлимининг бошлиғи.

МЕҲНАТГА ЯРАША МУКОФОТ

Учинчи беш йилликнинг биринчи йилидаги ишлаб чиқариш топшириқлари ва олинган юксак социалистик мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилишига ўз шавкатли меҳнати билан кўмаклашган халқ хўжалиги пешқадамларининг катта бир группасига 17 июнь куни Узбекистон ССР Олий Совети Президиумида СССР орден ва медаллари тантанали равишда топширилди.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдалин алоҳида ибрат кўрсатган кишиларга мукофотларни топширди.

(ЎзТАГ).

Депутат С. М. ТОИРОВ нутқи

(Жиззах сайлов округи, Ўзбекистон ССР)

Ўртоқлар! Бугун барча депутатлар КПСС Марказий Комитети Бош секретари, қадрдонимиз ўртоқ Леонид Ильич Брежневни зўр қониқиш, бениҳоя қувонч ва яқдиллик билан СССР Олий Совети Президиумининг Раиси қилиб сайладилар. Ана шу юксак давлат акти билан барча сайловчиларнинг хоҳиш-иродаси, барча совет кишиларининг хоҳиш-иродаси ифода этилди. Бунда партия билан халқнинг монолит бирлиги ва жипслиги яна бир марта намоён бўлди.

КПСС Марказий Комитетининг май Пленумидан кейинги дастлабки кунларда ва янги Конституция лойиҳаси муҳокамаси давомида меҳнаткашлар КПСС Марказий Комитети Бош секретари ва СССР Олий Совети Президиуми Раиси функцияларини бир кишининг бажариши зарур эканлиги тўғрисида таклиф киритдилар. Шу сабабли барча меҳнаткашлар Леонид Ильичнинг давлат бошлиғи қилиб сайланганлиги тўғрисидаги хушхабарни қизғин маъқуллаб, қўллаб-қувватладилар.

Замонамизнинг атоқли, энг нуфузли сиёсий ва давлат арбоби, коммунизм учун, меҳнат аҳлининг тинчлиги ва бахт-саодати учун толмас курашчи, улкан инсонпарвар ва эътиқодли интернационалист Леонид Ильич Брежнев партия ва давлатнинг раҳбари эканлиги барча совет кишиларига катта бахт ва қувонч бахш этди. Ленинча иш услуби, юксак заковат, тафаккурининг ғоят кенг миқёслари, одамохунлиги ва шахсан дилкашлиги билан Леонид Ильич совет халқларингина эмас, бутун прогрессив инсониятнинг ҳам меҳр-муҳаббати, чуқур иззат-ҳурмати ва ташаккурига сазовор бўлди.

Бу Леонид Ильич шаънига айтилган шунчаки мақтов сўзлари эмас. Бу — партиядош барча ўртоқларнинг фикри, бутун халқнинг фикридир.

Меҳнаткашлар — юздан ортиқ миллат вакиллари Ўзбекистонда қардошлардек дўстона яшаб, меҳнат қилмоқдалар. Улар мамлакатимизнинг янги Конституциясининг лойиҳасини чин кўнгилдан маъқуллаётганликларини изҳор қилмоқдалар. Бу Конституция совет халқи олдида коммунизм қурилишининг янада кенг истиқболларини очиб беради. Партия ва давлатнинг бутун тажрибаси, халқнинг ҳаёти ва меҳнати янги Конституция лойиҳасида ўз ифодасини топди.

Леонид Ильич Брежнев партиямизга бошчилик қилиб, мамлакатимиз халқларининг дўстлигини янада мустаҳкамлаш ишига шаҳсан жуда катта ҳисса қўшди. Бизда кишиларнинг янги тарихий бирлиги — совет халқи вужудга келди. Биз, турли миллат ва элатларнинг ўғил ва қизлари — ягона дўст оиланинг, ягона улуғ Ватанимиз фарзандларимиз. Бизнинг онамиз битта, Ватанимиз битта. Биз тенглар орасида тенг бўлиб, улуғ рус халқини ягона оғамиз деб биламиз. Бизнинг эътироф этилган ва сиқилган раҳбаримиз битта — у ҳам бўлса Ленинчи Коммунистлар партиясидир. Бизнинг ният ва мақсадимиз битта — у ҳам бўлса ер юзида энг порлоқ жамият бўлмиш коммунизмни барпо этишдир.

Леонид Ильич республикага Халқлар дўстлиги ордени топширган вақтда зўр иштиёқ билан гапириб, жамият ва давлатнинг инсон ҳақидаги ғамхўрлиги буюк социал ғалабадир, биз, совет кишилари бу ғалаба билан ҳақли суратда фахрланмоқдамиз, деган эди.

Бу сўзлар хотирамизга чуқур сингиб кетди ва бутун амалий фаолиятимизнинг асосий моҳияти бўлиб қолди. Инсон, унинг ҳаёти ва ишлари, фикр-ўйлари ва орзу-тилаклари Ўзбекистон партия ташкилотининг ҳам, меҳнаткашлар депутатлари Советларининг ҳам бутун ишида ўз ифодасини топмоқда.

Биз Владимир Ильич Ленин имзолаган Декретнинг 60 йиллигини келгуси йилда нишонлаймиз. Бу Декрет халқнинг сув ҳақидаги, дашт-биёбонларни яшнаб турган пахта далалари ва боғу-бўстонларга айлантириш тўғрисидаги асрий орзу-тилакларини амалга оширишга асос солган эди. Дарҳақиқат, кишилар бахт-саодати учун деб Мирзачўл ўзлаштирилмоқда. Эндиликда уни «Мирзачўл» деб аташ мумкин эмас. Бу чўл бой, маҳсулдор ўлка бўлиб қолди. Қўриқ ерларни ўзлаштирувчилар ўзининг область марказига Гулистон деб шоирона ном берганлиги ҳам бежиз эмас. Ана шу ажойиб ўлкада неча юз минглаб меҳнаткашлар, турли миллатларнинг вакиллари ўзлари учун бахт ва қувонч топдилар.

Қарши ва Жиззах даштлари кенг кўламда ўзлаштирилмоқда, Қорақалпоғистон Автоном Республикасида янги шоли пояларг вужудга келтирилмоқда. Қўриқ ерларда пахта, дон, чорвачилик маҳсулоти, сабзавот, мева етиштирилмоқда.

Кейинги йилларда ўрмон хўжалиги асосий тармоқлар билан бир қаторда муҳим тармоқ бўлиб қолди. Ўрмон хўжаликлари Қизилқумни ўзлаштиришда ёрдам бермоқда, далаларни ва боғларни қум барханларидан ва гармселнинг жуда оғир таъсиридан ҳимоя қилмоқда. Ўзбекистонда шу беш йилликнинг охирига ва саковул экиш йили билан ярим миллион гектар майдондаги дашт яйловларнинг маҳсулдорлиги оширилади. Бу эса гўшт етиштиришни кўпайтириш имконини беради. Шу сабабли дашт-биёбонларни иккинчи қўриқ ер деб аташ мумкин.

Биз тоғларни ўзимизнинг учинчи қўриғимиз деб ҳисоблаймиз. Уларнинг бир қисми ўрмонлар билан қопланган. Ўзбекистонда ажойиб сўлим жойлар кўп. Бу ерда тоғ ўтлоқларини ҳам, шафоф чашма булоқларни ҳам, ҳавоси мусаффо ва шифобахш жойларни ҳам кўп учратасиз. У ерда пионер лагерлари, пансионатлар, дам олиш уйлари, санаторийлар барпо этилмоқда. Буларнинг ҳаммаси кишиларнинг соғлигини сақлаш учун мўлжалланган. Кишилар тоғларда ҳам табиат бизга ўз саховати билан туҳфа қилган ҳамма неъматлардан кенг фойдаланиши керак.

Масалан, тоғ этакларидаги дарёларда балиқ хўжаликлари қурила бошланди. Тоғли жойлардаги ўтлоқларда ўсимликларга зарар етказилмаган ҳолда йилқилар боқилади. Бу йилқилардан шифобахш қ..м олинади. Ўрмон хўжаликларининг кўчилигида асалари боқилмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, бошқа жойларда етиштириладиган асал шифобахш хусусиятлари жиҳатидан тоғ-ўрмон асалига тенг келолмайди. Бинобарин, яқин йиллар ичида тоғ асали етиштиришни кескин суръатда кўпайтириш учун зарур имкониятлар қидириб топилмоқда. Узбекистондаги ўрмон хўжаликларида зира, наъматак, турли шифобахш ўтлар, анзур ниёзи тайёрланмоқда.

Аммо юқорида айтиб ўтилган ишларни бажариш жараёнида табиатни муҳофаза қилиш керак. Жаҳонда яшнаб турган воҳалар дашт-биёбонга айланганлигини кўрсатадиган ҳодисалар кўп учраган. Шунинг учун ҳам бизнинг давлатимиз ўрмон ресурсларини сақлаш ва кўпайтиришга, иҳота дарахтзорларини вужудга келтириш, ўрмонларнинг, даштлардаги яйловларнинг маҳсулдорлигини оширишга катта аҳамият бериб, жуда тўғри иш қилмоқда. Ўрмон — халқ бойлигидир. Бу бойликни кўпайтира бориш керак.

Кейинги олти йил ичида Ўзбекистоннинг бир ўзидагина давлат ўрмон хўжаликлари системасида ўнта янги заповедник ва сақлонга давлат заказнини ташкил этилди. Уларнинг умумий майдони салкам 400 минг гектарни ташкил этади. Жиззах областимизда ўзбек миллий парки барпо этилди.

Тоғ этакларини тахта-тахта қилиб чиқиш ва улардан мевали дарахт ҳамда ток кўчатларини ўтказиш учун фойдаланиш катта истиқболларни очиб беради. Республикада шу беш йилликда 7 минг гектардан знёд шундай ерларни ўзлаштириш мўлжалланган. Аммо бу план минимал планди.р. Тоғ этаклари узум, мева ва ёнғоқ етиштириш учун жуда катта резервдир. Бунинг учун, тоғларда боғлар вужудга келтириш ишларини жадаллаштириш керак. Денгиз сатҳидан, 1200-1500 метр баланд жойларда, дарё ва чашмалар бағрида грек ёнғоғи жуда яхши ўсиб етилади. Грек ёнғоғи одатда 12-15 йилдан кейин ҳосил бера бошлайди. Аммо селекционичилар яқинда учинчи-тўртинчи йилдаёқ биринчи ҳосил олинадиган сортни тондилар. Писта, бодом, ўрик, узум ва бошқа мева ҳамда резаворлар тоғ иқлимига кўникмоқда.

Ўзбекистондаги ўрмон хўжаликларида пилла қурти боқиш кабк жуда муҳим ишга ҳам киришилди. Республикада пиллачилик тез суръатлар билан ривожланмоқда. Беш йилликнинг иккинчи йилида давлатга пилла топшириш ҳалқ хўжалик плани бу йил 113 процент бажарилганлигини сизларга зўр мамнуний билан маълум қиламан. Давлатга 26 минг тоннадан знёд пилла топширилди.

Пилла — жуда катта бойлигимиз. Саноат пиллага жуда муҳтождир. Аҳоли ўртасида шойи газламаларга эҳтиёж ортиб бораяпти. Шу тармоқни ривожлантириш ва уни интенсивлаштириш перспектив планларини тузиш вақтида ўрмон хўжаликларининг меҳнаткашлари ана шу катта ва муҳим ишга жалб этилди. Улар пилла қурти боқишнинг озуқа базасини кенгайтириш мақсадида 1976 йилдан бошлаб тут кўчатлари экишни ғоят кўпайтирдилар. 1975 йилда 20 миллион тут кўчати етиштирилган бўлса, 1976 йилда уларнинг сони 39 миллион донага етди. Ҳозирги пайтда жуда катта тутзорлар, вужудга келтирилмоқда. Кези келганда шуни айтиш керакки, бу тутзорлар ҳеч қаерда ҳисобга олинган эмас.

Шу билан бирга Ўзбекистондаги ўрмон хўжаликларининг ишида ҳали камчилик ва нуқсонлар бордигини ҳам олиш лозим. Кўчатни сифатли қилиб ўтказиш талабларига ҳамма жойда ҳам риоя қилинмоқда, деб бўлмайди. Баъзи жойларда кўчатлар яхши тутиб кетмаяпти, техника ютуқлари сust жорий қилинмоқда, қўл меҳнати анча кенг тарқалган. Ўртоқ Нуриев ўз докладида ўрмон хўжаликларига тоғ шароитида ишлайдиган машина ва механизмлар кераклиги тўғрисидаги масалани кўтариб, тўғри иш қилди, деб ҳисобладимиз. Афсуски, бизда махсус техника кам.

Тоғ этакларини ўзлаштириш соҳасида белгиланган вазифаларни бажариш учун кўчат ўтказиладиган жойларга олиб борадиган йўллар қурилишини кенгайтириб юбориш керак. Қудратли техника бўлмаган тақдирда бунга эришиш мумкин эмас. Ўрмон хўжаликларига универсал бульдозерлар, террасерлар, тик ён бағирларда ишлайдиган тракторлар, ҳар хил жойларда юра оладиган автомашиналар ва кўчма вагончалар керак. Қумларда дарахт етиштириш самарадорлигини ошириш мақсадида К-700 маркали тракторларни ва уларга тиркаладиган плугларни, шунингдек техникани ташиш учун керакли трайлерларни кўпроқ етказиб бериш керак.

Янги машиналарни сотиб олиш, йўл, уй-жой ва ишлаб чиқариш биноларини қуриш учун республикадаги ўрмон хўжаликларига ҳар йили бир миллион сўмга яқин маблағ ажратиб берилмоқда. Капитал маблағлар ҳажмини 7-8 миллион сўм миқдорида кўпайтириш катта самара олиш имконини берган бўлур эди. Дарҳақиқат, дарахт кўчатини барвақт ўтказсанг, шунчалик тез ҳосил оласан.

Яна бир муҳим масалага тўхталиб ўтмоқчиман. Ўзбекистон ССР давлат ўрмон хўжалиги составида 43 та ўрмон хўжалиги, тўртта ўрмон-мелиорация станцияси, 11 та давлат заповедниги бор. Қорақалпоғистон автоном республикасида ва Бухоро областида яна бешта ўрмон хўжалигини тузиш масаласи ҳал этилмоқда. Ўрмон хўжаликларининг 620 ходими ўрмонларни бевосита муҳофаза қилмоқда. Улардан ҳар бирининг ҳиссасига ўрта ҳисобда 10 минг гектардан тўғри келади. Уларнинг шундай катта майдондаги ишларни бажаришлари амри маҳол.

Бизнинг экономикамизда ўрмон хўжалигининг ролини ошириш керак. Бу масала СССР Олий Советининг сессиясида кўриб чиқилаётганлиги ва ўрмон тўғрисидаги қонун асосларининг қабул қилиниши Коммунистик партия ва Совет давлати бу ишга жуда катта эътибор бераётганликларини кўрсатиб турибди.

Янги қонун партиянинг ҳамма нарса инсон учун, инсон бахт-саодати учун деган асосий вазифасидан келиб чиқади. Даштлар ҳам, ўрмонлар ҳам, тоғлар ҳам халққа хизмат қилдирилажагига шак-шубҳа йўқ.

Бутун мамлакатимиздаги каби Ўзбекистонда ҳам Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун мусобақа кенг авж олмоқда. Сув танқислигига қарамай, республика деҳқонлари шу юбилей йилида пахтадан ва бошқа қишлоқ хўжалик экиларидан энг кўп ҳосил олишга қатъий аҳд қилганлар. Фабрика, заводларда, қурилишларда — барча меҳнат коллективларида худди шундай жанговар кайфият, худди шундай умидворлик руҳи ҳукм сурмоқда. Социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш СССР янги Конституцияси лойиҳаси бизга очиб берадиган имкониятлар ва истиқболларни амалга оширишнинг биринчи туҳфаси бўлиб қолади.

Оламда нима гап

ТАРИХИЙ ҲУЖЖАТ

Жаҳон матбуоти, хорижий мамлакатларнинг прогрессив жамоатчилиги СССРнинг янги Конституцияси лойиҳасини шарҳлашни давом эттирмоқдалар. Улар Конституцияда совет халқининг коммунистик қурилиш соҳасидаги, халқлар тинчлиги ва хавфсизлиги учун курашдаги буюк зафарлари қайд этилганлигини уқтириб ўтмоқдалар. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, Конституция комиссиясининг раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети май Пленумида қилган докладидаги хулосалар жуда катта сиёсий аҳамиятга эга эканлиги таъкидланмоқда.

Болгариянинг ҳафталик **«Поглед»** газетаси СССР Асосий қонуни лойиҳаси совет жамоатчилигида ҳам, шунингдек барча мамлакатлар ва қитъалардаги халқларда ҳам ғоят катта қизиқиш уйғотганлигини уқтириб ўтмоқда. СССРда ривожланган социалистик жамиятнинг қурилганлиги, деб илова қилади «Поглед» газетаси, тарихий фактгина бўлиб қолмай, шу билан бирга, жаҳонда биринчи социалистик мамлакат халқининг эришган тарихий ғалабаси, социалистик ҳамдўстлик халқлари, бутун дунёнинг прогрессив жамоатчилиги фахрланаётган ғалабадир.

Асосий қонун лойиҳаси, деб ёзади Англиянинг **«Морнинг стар»** газетаси, совет кишилари эришган муваффақиятларни, уларнинг тинчлик ишига чуқур садоқатларини акс эттиради. У совет халқининг Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин ўтган 60 йил мобайнида эришган ажойиб социал ва демократик ғалабаларини жамлайди.

Ҳиндистон Компартиясининг органи **«Нью эйж»** газетаси бундай деб ёзади: умумхалқ муҳокамасига ҳавола қилинган бу ҳужжат инсон ҳуқуқларини қўриқлаш тўғрисидаги, социалистик демократияни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш ҳақидаги меҳрибонлик билан суғорилган. Фақат социализмгина кишининг меҳнат қилиш, дам олиш, медицина хизматига, билимга эга бўлиш ва шу сингари асосий ҳуқуқларини чинакам гарантиялай олади ва шу ҳуқуқларнинг амалга оширилишини таъминлайди.

Японияннинг **«Асахи»** газетаси бундай деб ёзади: янги Конституциянинг энг муҳим моменти шундаки, у социалистик демократияни янада ривожлантиришни совет жамиятининг умумхалқ давлатига айланиши билан чамбарчас боғланган ҳолда назарда тутади.

Туркияда чиқадиган **«Юруш»** журналининг ёзишича, СССРнинг янги асосий қонуни икки социал система ўртасидаги тарихий мусобақада социализм ғалаба қозонаётганлигини яна бир марта исбот этади.

(ТАСС).

* *

АДДИС-АБЕБА. Эфиопия пойтахтининг аҳолиси подпольеда туриб террор ва бузғунчилик ишларига ружу қилаётган контрреволюцион ташкилотларнинг фаолиятини ғазаб билан қораламоқда. Намойишга чиққанлар Эфиопия халқига янги жамият қуриш учун порлоқ йўл очиб берган революцияни ошкора ва қатъият билан ҳимоя қилишга қарор қилганликларини билдирмоқдалар.

ТАСС фотохроникаси.

ҲАМКОРЛИК МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

ПАРИЖ, 16 июнь. (ТАСС). Франциянинг сиёсий, савдо-саноат доиралари, мамлакатнинг кенг жамоатчилиги КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг Францияга қиладиган расмий визитини табриклямоқдалар.

Бу ерда шу визит Совет Иттифоқи билан Франция ўртасидаги муносабатлар учун характерли бўлган ҳамкорлик, иноқлик ва дўстликни янада мустаҳкамлаш учун жуда катта аҳамиятга эга бўлади, деб ҳисобламоқдалар.

Л. И. Брежневнинг Францияга визити, олий даражадаги Франция — Совет музокаралари Франция билан Совет Иттифоқи ўртасида сиёсий ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни кенгайтиришга ва чуқурлаштиришга ҳеч шубҳасиз ёрдам беради, кескинликни юмшатиш жараёнига ижобий таъсир кўрсатади, деди Франция Миллат мажлисининг Раиси Эдгар Фор совет журналистлари билан қилган суҳбатида.

Франция Миллат мажлисининг Раиси мамлакатларимизнинг сиёсий ҳамкорлигини жумладан, қуролсизланиш проблемасини ҳал этишда янада кенгайтириш зарур деб алоҳида уқтириб ўтди.

Э. Фор таъкидлаб ўтдики, кейинги йилларда савдо-иқтисодий соҳада анчагина муваффақиятларга эришилди. Ҳозир гап Франция билан Совет Иттифоқи ўртасидаги савдо алоқаларни уч баравар кенгайтириш тўғрисида бормоқда.

Л. И. Брежневнинг Францияга визити Франциянинг савдо-саноат доираларини ғоят мамнун қилди, деди француз корхона эгалари миллий кенгашининг бош секретари Патрис Леура Жей совет журналистлари билан қилган суҳбатида. Совет Иттифоқи раҳбарининг визити, ҳеч шубҳасиз, мамлакатларимизнинг савдо-иқтисодий ҳамкорлигини ривожлантириш учун янги имкониятлар яратиб беради. Шунинг учун ҳам биз бу визитни ҳар жиҳатдан табриклаймиз, деди у.

Энг олий даражадаги Франция — Совет учрашувига Москвада, шунингдек Парижда ҳам пухта тайёргарлик олиб борилди, деди Франция — Совет дўстлиги парламент группасининг раиси Луи Жокс. Л. И. Брежнев билан Франциянинг раҳбарлари ўртасида кейинги йилларда мунтазам равишда учрашувлар бўлиб ўтмоқда. Мамлакатларимиз халқларининг анъанавий дўстлигини мустаҳкамлаш учун бу учрашувлар жуда катта аҳамиятга эгадир. Л. И. Брежневнинг Францияга қиладиган визити Франция билан СССР ўртасидаги ҳар томонлама алоқаларни кенгайтириш йўлида янги босқич бўлади.

ЛУИС КОРВАЛАН ВЕНЕСУЭЛАДА

КАРАКАС, 16 июнь. (ТАСС). Бу ерда Венесуэла Коммунистик партияси делегацияси билан Чили Коммунистик партияси делегацияси ўртасида расмий музокаралар бўлиб ўтди. Венесуэла Компартиясининг Раиси Густаво Мачадо Венесуэла Компартияси делегациясига ва Чили Компартиясининг Бош секретари Луис Корвалан Чили Компартияси делегациясига бошчилик қилди.

Музокаралар самимий, дўстона вазиятда олиб борилди. Делегациялар халқаро аҳволга доир кўп масалалар юзасидан, шунингдек, Чили халқининг фашизмдан озод бўлиш учун олиб бораётган кураши тўғрисида фикрлашиб олдилар.

Л. Корвалан Чили халқининг кураши билан бирдамликлари учун Венесуэла коммунистларига, бошқа сиёсий партияларга, республика президенти Карлос Андрес Пересга, мамлакатнинг бутун жамоатчилигига ташаккур изҳор қилди. У барча сиёсий маҳбусларни озод қилиш ва хунтани тобора яккалаб қўйишга эришиш учун бу курашни бундан буён ҳам қўллаб-қувватлашга даъват этди.

Ҳар иккала делегация Венесуэла ва Чили Коммунистик партиялари ҳамда халқлари ўртасидаги қардошларча дўстликни янада мустаҳкамлаш кераклигини айтди.

Шундан кейин Л. Корвалан Венесуэла Қонун чиқариш саройида бўлди. Л. Корвалан бу ерда республика Конгрессининг раиси, ҳукмрон демократик ҳаракат партиясининг раҳбари, сенатор Гонсало Барриос билан ва депутатлар палатасининг раиси Освальдо Альварес Пас билан учрашди. Уларнинг ҳар иккиси Чилининг атоқли ватанпарварини самимий табриклашди ва Венесуэла халқининг фикр-туйғуларини ифода этиб, Чили халқининг фашист хунтасига қарши курашини Конгресс қўллаб-қувватлайверади, дейишди.

Л. Корвалан Чили халқи Венесуэла халқининг у билан бирдам эканлигини яхши биларди, деб таъкидлади. Л. Корвалан айтдики, Чилидаги ватанпарвар кайфиятда бўлган кучларнинг хаммаси тангликдан қутилиш йўлини қидирмоқдалар. Хунта мамлакатни ана шундай тангликка дучор қилди. Чили ватанпарварлари фашист репрессияларини тугатиш ва мамлакатда демократик тузумни ўрнатиш ниятидадир. Биз, деди Чили Компартиясининг Бош секретари, Чили халкининг кураши кучайиб бораётганлиги, шунингдек Лотин Америкаси мамлакатлари ва бутун дунё халкларининг бирдамлиги туфайли бунга эришамиз.

Шундан кейин Л. Корвалан турли партиялардан сайланган депутатларнинг катта бир группаси билан учрашди.

БАНДИТЛАРЧА ҲУЖУМГА ҚАРШИ НОРОЗИЛИК

БЕЛГРАД, 16 июнь (ТАСС). ЮСФР ташқи ишлар Иттифоқ секретарининг ўринбосари Л. Мойсов АҚШнинг Югославиядаги муваққат ишлар вакилини ўз ҳузурига чақирди ва фашист террорчиларнинг Нью-Йоркда ЮСФРнинг БМТ ҳузуридаги ваколатхонасига ҳужум қилганлиги, шу ҳужум ваколатхона ходимларининг ҳаётига хааф туғдирганлиги муносабати билан унга кескин норозилик билдирди.

Югославия жамоатчилиги фашист экстремист шайканинг қуролли ифвогарлигини ғазаб билан қораламоқда.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — **Янгиликлар.** 10.10 — Гимнастика. 10.30 — Моҳир қўллар. 11.00 — Ота-оналар, сизлар учун. 11.30 — Тонгги музикали программа. 12.00 — Совет тасвирий санъатида портрет. 12.30 — **«Здоровье».** 13.05 — Адресимиз — Совет Иттифоқи. 14.05 — **«Қувноқ воқеалар»** (бадиий фильм). 13.30 Адабий суҳбатлар. 16.30 — **Ҳайвонот оламида.** 17.30 — Концерт. 18.15 — «Правда» газетасининг сиёсий шарҳловчиси Ю. А. Жуковнинг халқаро мавзудаги суҳбати. 19.00 — **Янгиликлар.** 19.15 — **Мультфильмлар.** 19.40 — **Спортлото.** 19.55 — **«Қора денгиз тўлқинлари»** (бадиий фильм, 1-серия). 21.00 — **Футбол.** СССР кубоги. Чорак финал. «Торпедо» (М)— «Спартак» (М). 21.45 — Балетдан саҳна. 22.00 — **«Вақт».** 22.30 — **Футбол.** «Торпедо» (М) «Спартак» (М). 2-тайм. 23.15 — Концерт. 00.05 — **Янгиликлар.**

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.10 — **Янгиликлар.** 10.20— Доира рақсга чорлайди. 11.00 — Ҳужжатли фильм. 11.20 — Шеърият мухлисларига. 11.30 — Ўқитувчилар учун консультация. 12.00— «Марица» (спектакль). 14.10 — Кинокўзгудаги ҳаёт. 18.05 — **Мультфильм.** 18.25 — Қувноқлар даврасида. 18.55 — **«Илҳом».** 19.45 — **Ахборот.** 20.00 — Концерт. 20.50 — Ҳужжатли фильм. 21.00 — **Ахборот.** 21.20 — **Куйланг, ёш хонандалар.** 21.50 — **Мультфильм.** 22.00 — **«Вақт»** (Москва). 22.30 — **Пахта ва сув.** 22.45 — **«Интеграл»** (бадиий фильм).

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

17.30 — **Душанба кўрсатувлари.**

Радио

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Ватан ҳақида, партия ҳақида қўшиқлар. 9.30 — Шу кунинг қўшиқлари. 11.15 — «Дугоналар». 12.10 — «Ўзбекистон ишчиси». 13.00 — Ем-хашак жамғариш кундалиги. 13.30 — Хатларингизни ўқиб... Концерт. 14.00 — Тошкентлик ташаббускор мактабжўхорикорлар изидан. 15.45 — «Марксизм-ленинизмнинг голиб таълимоти» (суҳбат). 16.10 — Сайловчиларнинг талабларига мувофиқ концерт. 17.30 — Ўйғур куйлари. 18.10 — Чўлқувардлар учун концерт. 18.30 — Идеология ва ҳаёт. 19.00— Хотин-қизлар ўртасида республика V шахмат фестивалининг якунларига доир. 19.20 — «Ёшлик» радиостанциясининг программаси. 20.25— Музикали глобус. 21.00 — К. Жалилова куйлайди. 22.00 — Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 22.30 — Ўзбекистон чет эллик меҳмонлар нигоҳи билан. 22.40 — Енгил куйлар. 23.15 — «Гулистон» (музикали драма монтажи).

«ЗАНГОРИ ЭКРАН» ҲАФТАЛИГИ

20—26 ИЮНЬ

20 ИЮНЬ — ДУШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — **Янгиликлар.** 10.10 — Гимнастика. 10.30 — **«Оддий аскар Александр Матросов»** (бадиий фильм). 11.50 — В. Норейка куйлайди. 12.10 — Ҳужжатли фильм. 12.25 — **Информацион программа.** 16.00 — Франция бўйлаб (кинопрограмма). 16.30 — **Информацион программа.** Кўрсатувдан кейин концерт. 18.00 — Телескоплар (Илмий-оммабоп фильм). 18.15 — «Бир киши ҳамма учун — ҳамма бир киши учун». 19.00 — **Янгиликлар.** 19.35 — Орлов области меҳнаткашлари мусобақалашмоқдалар. 20.20 — **«Уч мушкетёр»** (бадиий фильм, 1-серия). 22.00 — **«Вақт».** 22.45 — «Нежданова кўчасида». 23.40 — **Янгиликлар.**

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

18.30 — Мультфильм. 18.35 — XV-XX асрлар француз санъати кўргазмаси. Илмий-оммабоп фильм. 19.15 — Халқаро ҳаётнинг актуал проблемалари. 19.45 — **Ахборот.** 20.00 — Композитор Султон Ҳайитбоев ижодий кечаси. 21.00 — **Ахборот.** 21.20 — Билиб қўйган яхши (мода ва биз. 2 кўрсатув). 21.45 — Ҳужжатли фильм. 22.00 — **«Вақт»** (Москва). 22.45 — **«Нормандия-Неман»** (бадиий фильм).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05 — Болалар учун фильм. 19.40 — Математика. 20.40 — **Янгиликлар.** 20.55 — Шифокор экрани. 21.25 — Химия.

21 ИЮНЬ — СЕШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — **Янгиликлар.** 10.10 — Гимнастика. 10.30 — **«Дўст-ўртоқлар»** (бадиий фильм). 11.40 — Ҳайвонот оламида. 15.50 — «Меҳнатинг-иқболинг». 16.25 — **«Менда шер бор»** (бадиий фильм). 17.45 — Москваликлар беш йиллик маршида. 18.30 — «Қўшиғимиз парвоз эт» (болалар концерти). 19.00 — **Янгиликлар.** 19.10 — Ҳамма нарсани билишни истайман». 19.20 — Ҳамдўстлик ва ҳамжиҳатлик йўлларидан (ҳужжатли фильм). 20.15 — **СССР Конституцияси лойиҳасини муҳокама қиламиз.** 20.25 — **«Уч мушкетёр»** (бадиий фильм, 2-серия). 22.00 — **«Вақт».** 22.45 — Мирей Матье куйлайди. 23.30 — **Қиличбозлик бўйича халқаро турнир.** 23.50 — **Янгиликлар.**

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — **«Ҳанжар»** (бадиий фильм, 1-серия). 12.40 — Ҳужжатли фильм. 13.05 — Париж Биби Марям ибодатхонаси. (фильм-балет). 13.30 — **«Нормандия-неман»** (бадиий фильм). 18.30 — Мультфильм. 18.50 — **СССР Конституцияси лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси.** 19.05 — **Ахборот.** 19.20 — Ҳамжиҳатлик ва ҳамдўстлик йўлларидан (Москва). 20.15 —Ўзбек халқ қўшиқлари ва рақслари. 21.00 — **Ахборот.** 21.20 — «Чет эллик куёв» (спектакль). 22.00 — **«Вақт»** (Москва). 22.45 — «Чет эллик куёв» (спектаклнинг давоми).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05 — Болалар учун фильм. 19.40 — Математика. 20.40 — **Янгиликлар.** 20.55 — Классик куй саҳифалари. 21.30 — Физика.

22 ИЮНЬ — ЧОРШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — **Янгиликлар.** 10.10 — Гимнастика. 10.30 — **«Қора денгиз тўлқинлари»** (бадиий фильм, 3-қисм, 1-серия). 11.35 — Киносаёҳатчилар клуби. 15.05 — Ҳужжатли фильмлар. 15.45 — **«Менда шер бор»** (бадиий фильм, 2-серия). 17.05 — «Совет характери». 18.05 — Франция музикаси. 19.00 — **Янгиликлар.** 19.10 — Болаларга аталган шеърлар. 19.25 — **Спортлото.** 19.45 — **Информацион программа.** Кўрсатувдан кейин концерт. 20.45 — Концерт. 21.30 — **«Вақт»** 22.15 — **Футбол. «Шахтёр» — «Қайрат».** 23.45 — «Цимбаллар янграйди». 00.15 — **Янгиликлар.**

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Телефильм. 11.50 — Ер остида (кинофильм). 12.30 — Фильм-концерт. 12.55 — **«Агар ҳақ бўлсанг»** (бадиий фильм). 18.30 — Мультфильм. 18.50 — Нафосат оламида. 19.30 — **Ахборот.** 19.45 — **Информацион программа** (Москва). Кўрсатувдан кейин концерт. 20.45 — Ҳужжатли фильм. 21.00 — **Ахборот.** 21.20 — Фильм-концерт. 21.30 — **«Вақт»** (Москва). 22.15 — «Пахта ва сув». 22.30 — Ҳужжатли фильм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05 — Болалар учун фильм. 19.45 — Химия. 20.45 — **Янгиликлар.** 21.00 — Қизиқувчилар экрани. 21.30 —Олий ўқув юртларида меҳнатни илмий асосда ташкил этиш.

23 ИЮНЬ — ПАЙШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — **Янгиликлар.** 10.10 **«Қора денгиз тўлқинлари».** (Кўп серияли бадиий фильм, 3-қисм, 2-серия). 11.25 — Бизнинг биография. 1950 йил. 15.50 — Кинопрограмма. 16.35 А. С. Пушкин шеърияти музикада. 17.45 — Шахмат мактаби. 18.15 — Горчилар қаердасиз?. 19.00 — **Янгиликлар.** 19.15 — **«Электро-77».** 19.45 — Концерт. 20.00 — **Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига Совет Тожикистони.** 22.00 — **«Вақт».** 22.30 — Фильм-концерт. 23.30 — Концерт. 23.55 — **Янгиликлар.**

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — **«Ханжар»** (бадиий фильм, 2-серия). 12.40 — Концерт. 13.30 — Иншо (телефильм). 14.00 — «Здоровье». 18.30 — Мультфильм. 18.40 — Ешлик. 19.10 — Ҳужжатли фильм. 19.25 — «Рус тили» (илмий-оммабоп программа). 19.45 — **Ахборот.** 20.00 — Халқлар дўстлиги — адабиётлар дўстлиги. 21.00 — **Ахборот.** 21.20 — Лирик концерт. 21.50 — Катталар учун мультфильм. 22.00 — **«Вақт»** (Москва). 22.30 — Ноз-неъмат бунёдкори. 22.50 — **«Уруш-урушда»** (бадиий фильм).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05 — Болалар учун фильм. 19.25 — Математика. 20.25 — **Янгиликлар.** 20.40 — «Ватанпарвар почтаси». 21.10 — Физика.

24 ИЮНЬ — Ж У М А

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — **Янгиликлар.** 10.10 Гимнастика. 10.30 — **«Қувноқ воқеалар»** (бадиий фильм). 11.55 — «Электро-77». 12.25 — Фильм-концерт. 15.50 — Ҳужжатли фильм. 16.15 — Фан оламида. 16.45 — **«Олтин»** (бадиий фильм). 18.30 — «Объектив». 19.00 — **Янгиликлар.** 19.15 — Расмларда қўёш акси бор. 19.30 — Инсон ва қонун. 20.30 — Увертюралар. 21.00 — Бизнинг биография. 1951 йил. 22.00 — **«Вақт».** 22.30 — Концерт. 23.30 — Ҳужжатли фильм. 00.20 — **Янгиликлар.**

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — **«Ханжар»** (бадиий фильм, 3-серия). 12.40 — Абитурентлар учун кўрсатув. 13.30 — Ўйлаб топ?. 13.40 — Ҳужжатли фильм. 18.30 — Мультфильм. 18.45 — «Бизнинг бош мухбиримиздан». 19.15 — **Ота-оналар университети.** 19.45 — **Ахборот.** 20.00 — Оламга саёҳат. 21.00 — **Ахборот.** 21.20 — **Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига бағишланган Қорақалпоғистон АССР санъат усталарининг концерти.** 22.00 — **«Вақт»** (Москва). 22.30 — Чорвачилик — зарбдор фронт. 22.45 — Концертнинг давоми.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05 — Математика. 20.05 — Реклама. 20.25 — **Янгиликлар.** 20.40 — Химия.

25 ИЮНЬ — Ш А Н Б А

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — **Янгиликлар.** 10.10 — Гимнастика. 10.30 — «Орленок». 11.15 — Ота-оналар, Сизлар учун. 11.45 — Тонгги музикали программа. 12.15 — Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик. 12.45 — Рассомлар ҳақида ҳикоялар. 13.15 — Концерт. 13.45 — Адабий ўқиш. 14.15 — Ҳужжатли фильм. 14.45 — Спортлото. 14.55 — Кўча ҳаракати хавфсизлиги учун. 15.25 — **«Кичик боланинг катта ташвиши»** (бадиий фильм). 16.30 — Комсомоллар — тиним билмас қалблар. 17.00 — «Здоровье». 17.40 — Балет артистларининг III халқаро конкурси. 19.00 — **Янгиликлар.** 19.15 — Мультфильмлар. 19.45 — Мўъжизасиз мўъжизалар. 20.45 — **СССР Конституцияси лойиҳасини муҳокама қиламиз.** 20.55 — 13 стул. 22.00 — **«Вақт».** 22.30 — Концерт. 00.30 — **Янгиликлар.**

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.10 — **Янгиликлар.** 10.20 — **Телеминнатюралар.** 11.00 Ҳужжатли фильм. 11.15 — Шеърият мухлисларига. 11.35 — Мусиқа жавони. 12.35 — **«Қимтой бўрилар»** (бадиий фильм). 13.40 — «Ешлик». 14.05 — Фильм-концерт. 14.35 — **Физкультура ва спорт.** 18.00 — Мультфильм. 18.20 — «Советский воин». 19.15 — «Ешлик». 19.45 — **«Ахборот».** 20.00 — Қизлар даврасн. 20.50 — Ҳужжатли фильм. 21.00 — **Ахборот.** 21.20 — Куйланг, ёш хонандалар. 21.50 — Ҳужжатли фильм. 22.00 — **«Вақт»** (Москва). 22.30 — Ғўза парваришн илгорларига тенглашинг. 22.45 — **«Ватангадолар»** (бадиий фильм, 1-серия).

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

18.45 — Душанба кўрсатувлари.

26 ИЮНЬ — Я К Ш А Н Б А

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — **Янгиликлар.** 10.10 — Зарядкага сафланинг. 10.30 — Будильник. 11.00 — Совет Иттифоқига хизмат киламан. 12.00 — Орленок. 12.45 — Музикали киоск. 13.15 — Қишлоқ янгиликлари. 14.15 — **«Ҳур қизлар»** (бадиий фильм, 1-серия). 16.05 — В. Крайнев чалади. 16.30 — **Халқаро панорама.** 17.00 — Концерт. 17.25 — Оталар ва болалар. 18.00 — Киносаёҳатчилар клуби. 19.00 — **Янгиликлар.** 19.10 — Мультфильм. 19.30 — Балет артистларининг III халқаро конкурсининг якунловчи концерти. 22.00 — **«Вақт».** 22.30 — 1977 йил қўшиқлари. 23.00 — Спорт ҳақида ҳужжатли фильм. 23.40 — **Янгиликлар.**

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.10 — **Янгиликлар.** 10.20 — Куйланг, ёш хонандалар. 10.50 — Ҳужжатли фильм. 11.00 — Қувноқ стартлар. 12.00 — Ёш киноҳаваскорлар клуби. 13.00— Светофор. 14.00 — Шаҳмат мактаби. 14.30 — Реклама. 18.00 — Мультфильм. 18.20 — Кинофильм. 19.05 — Ёзувчилар — ёзувчилар ҳақида. Н. Грибачев — Р. Бобожон. 19.45 — **Ахборот.** 20.00 — Концерт. 21.00 — **Ахборот.** 21 20 — **Телеминнатюралар.** 22.00 — **«Вақт»** (Москва). 22.30 —Галла—риқрўзимиз. 22.45 — «Ватангадолар» (бадиий фильм, 2-серия).

ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

16.30 — Фрунзе кўрсатувлари.

Реклама ва эълонлар

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 18/VI да **Бир актли балетлар,** 19/VI да **Қорақалпоғистон АССР санъат усталарининг КАТТА КОНЦЕРТИ,** 21/VI да **Тоҳир ва Зуҳра.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 19/VI да **Шельменко-деншчик.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 18/VI да **Гулбаҳор қани?** 19/VI да**Оддий мўъжиза,** 20/VI да **Олифта.**

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 19/VI да **РСФСР халқ артисти МАРГАРИТА НАЗАРОВА** раҳбарлигидаги **«ЙЎЛБАРСЛАР» АТТРАКЦИОНИНИНГ ХАЙРЛАШУВ ГАСТРОЛЛАРИ** (10, 13, 16, 19.30).

Кино

САНЪАТ САРОЙИ — **Қочоқ киши** (катта зал), **Сангам** (кичик зал, кундуз ва кечқурун).

Қочоқ киши — «ЧАЙКА» (жуфт соатларда). «ВОСТОК» «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Сентиментал роман — «ҚОЗОҒИСТОН» (тоқ соатларда), «ДРУЖБА» (жуфт соатларда).

«Мулен Руж» — «ДРУЖБА», «НУКУС» (тоқ соатларда).

Кўл узра соната садоси — «ҚОЗОҒИСТОН» (жуфт соатларда).

Элиза, ёки чин ҳаёт — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (16, 18, 20.00, 21.30).

Кумуш кўл хазинаси — «ВОСТОК» (21.30).

ЕЗГИ БИНОДА

Қочоқ киши — «ФЕСТИВАЛЬ» (20.30, 22.30).

●

В. В. КУЙБИШЕВ НОМЛИ САМАРҚАНД КООПЕРАТИВ ИНСТИТУТИ

сиёсий-иқтисод кафедраси мудири

ВАКАНТ ВАЗИФАСИГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

КОНКУРС МУДДАТИ — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: Самарқанд шаҳри, Коммунистическая кўчаси, 41-уй, кадрлар бўлими.

●

СССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг

ТОШКЕНТ ВАКЦИНА ВА СИВОРОТКА ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

аллергология лабораторияси кичик илмий ходими

ВАКАНТ ВАЗИФАСИГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

КОНКУРС МУДДАТИ — 14 ИЮЛГАЧА.

Мурожаат учун адрес: 700015, Тошкент шаҳри, Кафанов кўчаси, 93-уй.

●

Узбекистон ССР Фанлар академиясининг

ЗООЛОГИЯ ВА ПАРАЗИТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Паразитология лабораторияси бўйича катта илмий ходимлар.

КОНКУРС МУДДАТИ — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Мурожаат учун адрес: 700000, Тошкент шаҳри, ГСП, А. Ниёзов кўчаси, 1-уй.

●

Узбекистон ССР Фанлар академиясининг

МИКРОБИОЛОГИЯ БЎЛИМИ

вакант вазифага

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кичик илмий ходим: ботаника ихтисоси бўйича альгология лабораторияси.

КОНКУРС МУДДАТИ — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Ариза ва ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 700000, Тошкент шаҳри, ГСП, Академиклар шаҳарчаси.

Узбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлигининг коллегияси, партия ва касаба союз ташкилотлари министр В. С. Содиқовга акаси

Муҳиддин РАҲМОНҚУЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Узбекистон ССР Фанлар академиясининг М. Т. Ўрозбоев номидаги механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти коллективи техника фанлари кандидати, катта илмий ходим К. М. Иногомовга онаси

Хосият ИНОҒОМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ — Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700 000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41 * ТЕЛЕФОНЛАР: Коммутатор — 330249 дан 330258 гача, Эълонлар — 338142

Р. 01490. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Г. — 140.